Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИКА БОШЛАГАН ● № 16 (7406). ● 22 январь, 1981 йил ▲ ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ИШЧАНЛИК, ТАЛАБЧАНЛИК ВАЗИЯТИДА

Москва шаҳар XXIV ҳисобот-сайлов партия конференцияси 20 январь куни Москвада Союзлар уйининг Колонна залида КПСС, унинг ленинчи Марказий Комитети тевараги-да монолит бирлик вазиятида очилди.

Гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олинган **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, П. Н. Пономарев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқлар президиумдан жой оладилар.

Конференция кун тартибида Москва шаҳар партия комитетининг ҳисобот доклади ва КПСС Москва шаҳар ташкилоти ревизия комиссиясининг ҳисоботи, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси тўғрисида доклад, КПСС шаҳар комитетини ва ревизия комиссиясини, партия XXVI съездига делегатлар сайлаш масаласи бор.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин Москва шаҳар партия комитетининг ҳисобот докладини қилди.

Конференция иштирокчилари 20 ва 21 январь кунлари КПСС Москва шаҳар комитетининг ва ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси тўғрисидаги докладни муҳокама қилдилар.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Конференция шаҳар партия ташкилотининг раҳбар органларини ва КПСС XXVI съездига делегатларни сайлади.

(ТАСС).

КАТТА ЗАФАРЛАР, УЛУҒВОР ВАЗИФАЛАР

Индустриал Ўзбекистон янги, ўн биринчи беш йилликни ижодий кучлари барқ уриб яшнаган, зардбор меҳнати жўш урган вазиятда кутиб олди. Республика завод ва фабрикаларининг меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини бажариб, ўтган йилларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини анча оширишга эришдилар. Республика партия-хўжалик активларининг 21 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида шу ҳақда гапирилди.

Йиғилишда область, шаҳар, район партия комитетларининг саноат, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат масалалари бўйича шуғулланувчи секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари Раисларининг ўринбосарлари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг раислари, бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари ҳамда партия ташкилотларининг секретарлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ҳамда халқ контроли органларининг ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари қатнашдилар.

Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Йиғилиш қатнашчилари саноат, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналарининг 1980 йилги иш якунларини ҳамда республика партия ташкилотларининг КПСС XXVI съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент область партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский, Урта Осиё темир йўлининг бошлиғи А. М. Қодиров, Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари А. П. Федоров, Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг раиси Н. Маҳмудова, Андижон область партия комитетининг секретари М. Р. Раҳимов, Тошкент трактор заводининг директори И. Х. Мусин, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри М. Ҳ. Курбонов, Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. Файзиев, Марғилон «Атлас» бирлашмасининг тўқувчиси А. Умаров, республика савдо министри М. Ҳ. Ҳасанов, Наманган шойи газламалар комбинати парткомининг секретари К. З. Давлетчарова қатнашдилар.

Докладда ва нотиқларнинг нутқларида шу нарса қайд этилдики, ўнинчи беш йилликда Ўзбекистонда маҳсулот реализация қилиш ҳажми 27,4 процент кўпайди, халқ учун керакли моллар ишлаб чиқариш салкам бир ярим баравар ортди. Пахтакорлар 28,5 миллион тонна ёки тўққизинчи беш йилликка нисбатан 4 миллион тонна кўп пахта етиштириб, давлатга топширдилар. Ўтган йили эса 6 миллион 237 минг тонна миқдорида рекорд ҳосил етиштириб, Ватанни қувонтирдилар, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг барча турларини ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ етиштирдилар. Республика меҳнаткашларини шу ютуқлар билан ўртоқ Л. И. Брежнев табриклади, жуда катта муваффақиятлари учун Ўзбекистон учинчи Ленин ордени билан мукофотланди.

Мана шу зафарларнинг ҳаммаси кенг қулоч ёзган социалистик мусоқабанинг, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, унинг техникавий даражасини ошириш юзасидан амалга оширилган катта-катта тадбирларнинг натижаси эканини нотиқлар гапириб ўтишди. Эндиги вазифа бизга ўрганиб олган ҳамма яхши тажрибаларни янги беш йилликда ҳам давом эттиришдан, ишлаб чиқаришнинг жамики мавжуд резервларини экономикага хизмат қилдиришдан иборат. Йиғилиш қатнашчиларининг фикрича, ҳар бир иш жойида мана шундай резервлар кўп. Республикада ҳали ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш планларини бажармаётган бир қанча корхоналар ва тармоқлар бор. Шу сабабли анчагина миқдордаги минерал ўғит, қишлоқ хўжалик машиналари, электр-техника маҳсулотлари, ип газлама, ўсимлик ёғи ва бошқа маҳсулотлар камроқ берилди. Партия ташкилотларининг, совет ва хўжалик органларининг вазифаси ишлаб турган қувватлардан янада тўла-тўкис фойдаланишга эришишдан, янги ишга туширилган корхоналарнинг лойиҳада белгиланган унумдорлик даражасини тезроқ ўзлаштиришдан иборат.

Йиғилиш қатнашчилари меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини ўғатиш масалаларига катта эътибор бердилар. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг маълум қарори мана шунга эътиборни жалб қилган эди. Меҳнат коллективларининг тарбиявий имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш, ишчиларнинг ўз активлигини ривожлантириш, уларнинг касбкор ва умумий таълим савияси, меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш зарур. Янги беш йилликда меҳнатни ташкил этишнинг илғор методлари, айниқса иш, нинг бригада формаси ишлаб чиқаришдаги асосий метод ва формалари бўлиб қолиши керак.

Моддий-техникавий ресурслардан имкони борича кўпроқ фойдаланиш юзасидан партия кўйган вазифа иқтисодий тежаш ва тежамкорликни янада мустаҳкамлашни талаб қилади. Қиқлги, энергия, материаллар нобудгарчилигига қарши курашни кучайтириш билан айни бир вақтда тежамли технология жараёнларини жорий қилиш, ремонт ишларининг илғор методларини ўзлаштириш керак.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашни, социалистик хўжалик юритишнинг бутун даражасини оширишни, хўжалик механизмини такомиллаштиришни энг муҳим вазифалар қаторига киритди. Бу муносабат билан раҳбар кадрларни, барча меҳнатчиларни топширилган иш учун масъулиятни сезадиган, давлат планларига ҳеч сўзсиз бажариладиган қонунлар деб қарайдиган, бу планларни бажаришни ишлаб чиқариш ҳар бир қатнашчисининг энг муҳим бурчи деб биладиган қилиб сабот билан тарбиялаш зарурлиги актив йиғилишида таъкидлаб ўтилди. Давлат интизоми умумиттифоқ вазифаларни ҳал этишга маҳаллийчилик, тор меҳкамачилик нуқтаи назаридан ёндашишга йўл қўймайди.

Йиғилиш қатнашчилари маҳсулот сифатини ошириш учун курашни экономикани янада такомиллаштиришнинг катта резерви деб атадилар. Республиканинг энг яхши корхоналари намунасидан барча коллективлар ибрат олиши керак. Мана шундай қилиш янги беш йилликда жами маҳсулот ҳажмида Сифат белгиси қўйилган маҳсулотнинг салмоғини анча ошириш, ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотларнинг сифатини, пишиқ-пухталигини, тежамлилигини ошириш имконини беради.

Докладда ва нутқларда республика темир йўл, автомобиль, ҳаво транспорти, алоқа ташкилотлари ишини такомиллаштириш резервлари кўрсатиб берилди. Савдо корхоналари ва маиший хизмат ташкилотлари фаолиятини яхшилаш вазифалари ўртага қўйилди. Шу соҳадаги ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил этиш, камчиликларни ўз вақтида тугатиш, энг муҳим социал-иқтисодий проблемани ҳал этиш халққа керакли моллар ишлаб чиқаришни муттасил кўпайтириш учун саноат билан савдо ўртасидаги амалий алоқаларни мустаҳкамлаш партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Шу кунларда партия ташкилотларининг бутун ташкилотчилик ва сиёсий иши КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздиришни таъминлашга қаратилиши лозимлигини йиғилиш қатнашчилари таъкидлаб ўтдилар. Улар партиянинг ҳамма режалари шараф билан бажарилади, деб қаттиқ ишонч билдирдилар.

Йиғилишда республика саноат, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат, ташкилотлар, министрликлар, идоралар ва бирлашмалар меҳнаткашларининг 1981 йилги социалистик мажбуриятлари маъқулланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. Камолов, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

РЕСПУБЛИКА ХИМИЯ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ВА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЮЗАСИДАН ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИ ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ҚАБУЛ ҚИЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар республикамизда коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида янги зафарларга даъват сифатида қабул қилинди.

Республика химия саноати корхоналарининг коллективлари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олишга интилиб, «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳаси ҳақида» КПСС Марказий Комитетининг қароридан илҳомланиб, ўз куч, билим, ижодий изланишларини йиллик ва беш йиллик планларни бажариш учун курашнинг ҳал қилувчи соҳаларига сафарбар этмоқдалар.

Республика химиклари ташкилотчилик, ғоявий-сиёсий ишларни яхшилаш, социалистик мусобақани янада авж олдириш, ишлаб чиқаришнинг технология режимларини оптималлаштириш, хом ашё ва материалларни сарфлаш коэффициентларини камайтириш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш ва ички резервлардан оқилона фойдаланиш йўли билан йиллик планга қўшимча равишда 140 минг тонна, шу жумладан, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида 40 минг тонна, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида 30 минг тонна, Олмалиқ химия заводида 40 минг тонна, Қўқон суперфосфат заводида 10 минг тонна, Самарқанд химия заводида 16 минг тонна, Фарғона азотли ўғитлар заводида 10 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

Улар 1981 йилда қишлоқ хўжалигида юксак марраларга эришиш юзасидан умумхалқ вазифасини бажариш ишига муносиб ҳисса қўшишга интилиб, колхоз ва совхозларга 1 августгача, яъни энг қулай агротехника муддатларида пландан ташқари 100 минг тонна минерал ўғит етказиб берадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика химия саноати корхоналари коллективларининг КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш юзасидан ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона область партия комитетларига, Олмалиқ, Қўқон, Навоий, Самарқанд, Фарғона, Чирчиқ шаҳар партия комитетларига минерал ўғитлар ишлаб чиқараётган корхоналарнинг коллективларига социалистик мусобақани авж олдиришда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва бутун иш сифатини яхшилашда ҳар томонлама ва доимий ёрдам бериш топширилди. Меҳнат коллективларининг ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишлари қабул қилинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришга қаратилсин.

Республика, область ва шаҳар газета редакцияларига, телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетига республика химия саноати корхоналарининг коллективлари қабул қилган мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини ёритиб бориш, энг яхши коллективлар, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорларнинг иш тажрибасини пропаганда қилиш таклиф этилди.

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРГА — ЭНГ КЎП ЭЪТИБОР

21 январь куни Тошкентда республика партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетларининг, халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг раислари ҳамда раис ўринбосарлари, министрликлар ва идоларларнинг, қурилиш, монтаж, лойиҳа ташкилотларининг, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг раҳбарлари ҳамда партия ташкилотларининг секретарлари, қурилиш илғорлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва халқ контроли органларининг ходимлари қатнашдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков очди.

Йиғилишда қурилиш, монтаж, лойиҳа ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари коллективларининг 1980 йилги иш якунлари ҳамда КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш юзасидан 1981 йилги социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш соҳасидаги вазифалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда «Главташкентстрой» бошлиғи Т. Н. Набиев, Фарғона область партия комитетининг секретари С. Тиллахўжаев, «Ўзбекшахтострой» трестининг бошқарувчиси Л. Я. Терман, «Узколхозстрой» бирлашмасининг раиси И. Ашуров, Ўзбекистон ССР қурилиш министрлиги 162-трестининг бошқарувчиси Т. А. Аҳмедов, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри Н. Р. Ражабов, Жиззах шаҳар ижроия комитетининг раиси В. Ф. Югай, республика қурилиш министри С. А. Омеров, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи Н. Р. Ҳамроев, 163-трест комплекс бригадасининг бошлиғи И. Истамов, Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри Х. А. Шоғазатов, республика бинокорлик материаллари саноати министри М. Д. Мухортов иштирок этдилар.

Докладда ва нотиқларнинг нутқларида қайд этилдики, Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмаларини изчиллик билан бажара бориб, қурилишнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, қурилиш ишларини такомиллаштириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш учун қунт билан кураш олиб бормоқдалар. Ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлар яхшиланди, «Барвақт қурамиз — барвақт ўзлаштирамиз!» шиори остидаги социалистик мусобақа кенг қулоч ёзди, меҳнатни ташкил этишнинг самарали формаси бўлмиш бригада пудрати оммалашди.

Республиканинг ҳамма жойларида қурувчилар бунёдкорлик меҳнатининг яхши нишоналари кўринмоқда. Ўтган беш йилликда юзга яқин саноат корхонаси ва ишлаб чиқариш фойдаланиш учун топширилди. Беш йилликнинг тугалловчи йилида бир қанча йирик объектлар, шу жумладан — электр энергия ҳосил қилувчи, минерал ўғит, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарувчи қувватлар ишга туширилди. Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмаси капролактам комплекси ҳамда Шўртан кони газини қайта ишлаш ва ташиш комплекси қурилишининг қатнашчиларини КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев самимий табриклади.

Беш йиллик мобайнида Ўзбекистон аҳолиси салкам 27 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой, юзлаб мактаблар, болалар муассасалари, шифохоналар ва бошқа маданий-маиший муассасалар олди, юз мингдаб тектар янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилди.

Партия ўн биринчи беш йилликда республика қурувчилари олдига янги катта вазифалар қўймоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 1980 йилга нисбатан саккиз процент кўп капитал маблағ ўзлаштирилиши лозим. Катта-катта саноат объектлари ишга туширилиши керак. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасига мувофиқ халқ учун моллар ишлаб чиқарадиган «Б» группаси корхоналарини қуриш ва ишга туширишга алоҳида эътибор берилади.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун ҳар бир қурилиш коллективида, ҳар бир қурилиш майдончасида мавжуд бўлган муҳим резервларни ишга тушириш зарурлигини йиғилиш қатнашчилари таъкидлаб ўтдилар. Куч ва маблағни энг муҳим объектларда марказлаштириш бош резервдир. 1981 йилда барча қурувчилар хўжалик юритишнинг янги формасига ўтказилади: уларнинг фаолияти қуриб битказилган объектга қараб планлаштирилади ва баҳоланадиган бўлади.

Йиғилишда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва капитал маблағни планлаштириш чоғида қурилиш давомидаёқ сарфланган маблағдан самара олиш учун қувватларни босқичма-босқич ишга туширишни кўзда тутиш кераклиги ҳақида гапириб ўтилди. Буюртмачи ташкилотлар лойиҳа-смета ҳужжати ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқишларини таъминлашлари, машина-ускуналар ва махсус материалларга буюртма беришда ҳато ва янглишишларга йўл қўймасликлари, уларни ишга тушириш ишларини ташкилотларининг, совет ва хўжалик органларининг вазифаси ишлаб турган қувватлардан янада тўла-тўкис фойдаланишга эришишдан, янги ишга туширилган корхоналарнинг лойиҳада белгиланган унумдорлик даражасини тезроқ ўзлаштиришдан иборат.

Йиғилиш қатнашчилари меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини ўғатиш масалаларига катта эътибор бердилар. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг маълум қарори мана шунга эътиборни жалб қилган эди. Меҳнат коллективларининг тарбиявий имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш, ишчиларнинг ўз активлигини ривожлантириш, уларнинг касбкор ва умумий таълим савияси, меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш зарур. Янги беш йилликда меҳнатни ташкил этишнинг илғор методлари, айниқса иш, нинг бригада формаси ишлаб чиқаришдаги асосий метод ва формалари бўлиб қолиши керак.

Моддий-техникавий ресурслардан имкони борича кўпроқ фойдаланиш юзасидан партия кўйган вазифа иқтисодий тежаш ва тежамкорликни янада мустаҳкамлашни талаб қилади. Қиқлги, энергия, материаллар нобудгарчилигига қарши курашни кучайтириш билан айни бир вақтда тежамли технология жараёнларини жорий қилиш, ремонт ишларининг илғор методларини ўзлаштириш керак.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашни, социалистик хўжалик юритишнинг бутун даражасини оширишни, хўжалик механизмини такомиллаштиришни энг муҳим вазифалар қаторига киритди. Бу муносабат билан раҳбар кадрларни, барча меҳнатчиларни топширилган иш учун масъулиятни сезадиган, давлат планларига ҳеч сўзсиз бажариладиган қонунлар деб қарайдиган, бу планларни бажаришни ишлаб чиқариш ҳар бир қатнашчисининг энг муҳим бурчи деб биладиган қилиб сабот билан тарбиялаш зарурлиги актив йиғилишида таъкидлаб ўтдилар. Давлат интизоми умумиттифоқ вазифаларни ҳал этишга маҳаллийчилик, тор меҳкамачилик нуқтаи назаридан ёндашишга йўл қўймайди.

Йиғилиш қатнашчилари маҳсулот сифатини ошириш учун курашни экономикани янада такомиллаштиришнинг катта резерви деб атадилар. Республиканинг энг яхши корхоналари намунасидан барча коллективлар ибрат олиши керак. Мана шундай қилиш янги беш йилликда жами маҳсулот ҳажмида Сифат белгиси қўйилган маҳсулотнинг салмоғини анча ошириш, ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотларнинг сифатини, пишиқ-пухталигини, тежамлилигини ошириш имконини беради.

Докладда ва нутқларда республика темир йўл, автомобиль, ҳаво транспорти, алоқа ташкилотлари ишини такомиллаштириш резервлари кўрсатиб берилди. Савдо корхоналари ва маиший хизмат ташкилотлари фаолиятини яхшилаш вазифалари ўртага қўйилди. Шу соҳадаги ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил этиш, камчиликларни ўз вақтида тугатиш, энг муҳим социал-иқтисодий проблемани ҳал этиш халққа керакли моллар ишлаб чиқаришни муттасил кўпайтириш учун саноат билан савдо ўртасидаги амалий алоқаларни мустаҳкамлаш партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Шу кунларда партия ташкилотларининг бутун ташкилотчилик ва сиёсий иши КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздиришни таъминлашга қаратилиши лозимлигини йиғилиш қатнашчилари таъкидлаб ўтдилар. Улар партиянинг ҳамма режалари шараф билан бажарилади, деб қаттиқ ишонч билдирдилар.

Йиғилишда республика саноат, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат, ташкилотлар, министрликлар, идоралар ва бирлашмалар меҳнаткашларининг 1981 йилги социалистик мажбуриятлари маъқулланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. Камолов, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

«КОСМОС—1240» ПАРВОЗДА

1981 йил 20 январь куни Совет Иттифоқида ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация — ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ

ЭЪЗОЗ

МЕҲНАТ одамни ёшартиради. Буолма опани кўриб, съездга делегат бўлгани билан табриклар эканман, беихтиёр хаёлимдан юқоридаги фикр ўтди. Чунки... Буолма Жўраева КПСС XXIV съездига делегат бўлганида уни фабрика ҳовлисида учратган эдим: фотомухбирлар дам фабрика эшигидан чиқиб келаётганида, дам нкки томони гулзор тротуарда юргизиб суратга олишаётган эди. Буолма Жўраева ўшанда, яъни бундан ўн йил муқаддам, худди ҳозирдагидай навқирон қиёфада эди...

— Қани, ичкарига киринглар, — Буолма опа меҳмонхонага бошлар экан, турмуш ўртоғи Йўлдош ака чиқиб келди. У Тошкент тўқимачилик комбинатида узоқ йил электромонтёр бўлиб ишлаган. Биргалашиб меҳмонхонага кирдик.

Мен уларга қараб туриб, меҳнат инсонга бахт келтириш ҳақида ўйлардим. Қайси бир донишманд, дунёдаги барча қувонч ва шодликларнинг манбаи — меҳнат, деган экан. Бу доно ҳикматнинг ҳаётдаги аксини мен мана шу Жўраевлар оиласида яққол кўраман.

Буолма болалар уйида тарбияланган қизалоқ эди. 1951 йилда, ўн олти ёшли қизча Оҳангарондан Тошкентга келиб, тўқимачилик комбинати ҳузуридаги ҳунар билим юртига ўқишга кирди. Ҳунар ўрганиб—йигирувчи бўлиб, комбинатнинг 2-йигирув фабрикасига ишга келди. Машиналарга бўйи етмади: оёғига кичкинагина яшик қўйиб ишлади...

Мана, орадан ўттиз йил ўтди.

Буолма Жўраева — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, икки марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени кавалери КПСС XXIV съездининг делегати, опа-сингил тўқувчи Виноградовалар мукофотининг лауреати. Мана энди Тошкент область XX партия конференциясида коммунистлар уни КПСС XXVI съездига делегат қилиб сайлашди. Шонли Коммунистик партиямизнинг олий анжуманига иккинчи марта делегат бўлиш — унга билдирилган жуда катта ишонч, ҳурмат ва эъзоз белгиси эди.

— Менга қолса Олтин Юлдузимни Йўлдош акангизнинг кўксига тақиб қўярдим, — дейди Буолма опа самимият билан. Бу пайтда Йўлдош ака чойнакни олиб ошхонага чиқиб кетган эди. — Чунки, улар мени маъновий қўллаб-қувватламаса, хотиржам ишлашимга шароит яратиб бермасалар мен ҳеч қачон қаҳрамон бўлолмасдим...

Игирувчининг меҳнати оғир. Ниҳоятда оғир. Сменадан қайтиб ҳордиқ чиқариш керак. Лекин аёл киши ҳар доим ҳам уйида дам ололмайди: рўзғор ишлари, бола-чақа. Ҳозир Буолма опанинг уч фарзанди вояга етиб, ота-онасининг ёнига кириб қолди. Лекин Буолма опа қўш орденларни фарзандлари парваришга муҳтож даврларда олди, демак, болаларни ювиб-тараш билан бирга фидокорона меҳнат қилди.

Меҳнат қилганда ҳам — икки норманн бажариб ишлади, ташаббуслар бошлади, шогирдлар тайёрлади, ёшларга ўз касби сирларини ўргатди.

Бу сир нимада? Буолма Жўраева нормадагн уч томон, яъни бир ярмта йигирув машинасига хизмат кўрсатиш ўрнига олти томонда, яъни уч-та йигирув машинасида моҳирлик билан ишламоқда. Ҳа, ҳеч қандай сир йўқ, моҳирлик, маҳорат бор холос.

— Ана шу маҳорат нега ҳамма йигирувчиларда эмас, айримларда бор!

— Тўғри, ҳаммада эмас-ку, лекин кўпчиликда бор, — дейди Буолма опа. — Ҳозир бизнинг фабрикада ўнлаб йигирувчилар машинанинг беш-олти томонига хизмат кўрсатишяпти. Афсуски, ҳамма эмас. Нега десангиз, юқори зичликда ишлаш учун аввало одамда шу нарсага иштиёқ, ички эҳтиёж бўлиши керак. Бу — ўз касбини севиши керак, деган гап. Кейин, уқув керак. Агар йигирувчи ўз ишига юракдан берилмай, юқори зичликда ишлашни шунчаки ўзлаштириб оламан, деса хато қиладн. Ўзлаштиролмайди. Энди, юқори зичликка ўтмайдиган айрим тажрибали йигирувчилар ҳам бўлади. Улар шунчаки жон қойитгилари келмайди. Жон қойитмасдан эса одам бир нимага эришолмайди, бир умр ўртамёна бўлиб юраверади...

Буолма Жўраева ҳақиқатан ҳам жон қойитиб ишлаяпти. Анчадан буён. Ун йилдан ошди — нормадаги 1160 та ўрнинг 2400 урчуққа хизмат кўрсатаяпти. У бир варакайига шунча урчуққа ип йигиради! Унинг яқин ўтмишдаги авлоди эса фақат битта урчуққа ип йигирган, эртадан кечгача бир ҳовуч арқоқ тайёрлаган. Яқиндагина, инқилобдан олдин. Уйдан эшикка чиқмаган, чиқаришмаган, қора чачвон «паноҳида» ранги заъфарон бўлган. Уша авлод набираси Буолма ҳозир бир ўзи 2400 та урчуққа ип йигиряпти. Ҳар сменада 230—240 килограмм арқоқ ишлаб чиқаради. Бунча арқоқдан эса 1500—1600 метр газлама тўқилади!..

Бу — Улуғ Октябрь шарофати. Ўзбек аёлининг вакили Буолма Жўраева—фақат республикада эмас, Иттифоқда донги кетган тўқимачи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Бу — Октябрь шарофати!.. Буолма Жўраева — дунёда қудратли Советлар мамлакати коммунистларининг олий анжуманига делегат. Бу ҳам — Октябрь, буюк инқилоб шарофати!

У донг таратган ишчигина эмас, севимли аёл, бахтиёр она. Тўнғич ўғли Қурбон ота касбини эгаллади — электромонтёр, етти йилдан буён онаси ишлаётган цехда ишлайди, ўнлаб йигирув машиналарининг «қон томирларини» назорат қилиб туради, бир меъёрда ишлашини таъминлайди. Қаҳрамон — шофёр, қизи Ҳолида—мактабгача тарбия институтини тугатяпти.

— Яқинда бува-буви ҳам бўлиб қоламиз, — дейди Буолма опа ширин ҳаёл оғушида, — худди эртакдагидек турмуш қурганимиз эса кўз олдимда кечагидек турибди.

...Буолма фабрикага янги ишга келганида уларнинг участкасида уятчангина йигит мастер ёрдамчиси эди. Сменада бир-икки Буолманинг ёнига келиб, «қора чўткангизни бериб туринг», дерди ерга қараб... Буолма дугонаси билан тўқимачилар Маданият саройи ҳузуридаги бадиий ҳаваскорлар тўгарагига борди. Илгари болалар уйида қатнашарди, бадиий раҳбар Исахор Оқилов қизчадаги қобилиятни пайқаб, уни дарров қабул қилди. Бир куни қараса, тўгаракда ўша мастер ёрдамчиси ҳам пайдо бўлиб қолди...

1957 йилда тўқимачилар бадиий ҳаваскорлик коллективи Москвада бўлган 7-Бутунжаҳон ёшлар фестивалида қатнашди ва лауреат бўлди. Тошкентга қайтишларига икки кун қолган эди. Ярим кечада комбинат комсомол комитетининг секретари Буолма дам олаётган номерга кириб, уни уйғотди:

— Биласанми, Йўлдош сени яхши кўрармиш, эртага ЗАГСдан ўтсаларинг, комсомол тўйини шу ерда гумбурлатиб қилардик.

Буолма бу гапдан бир сесканди, лекин кўрқиб кетгани йўқ...

У Йўлдош билан ишдан бошқа ҳусусда гаплашмаган бўлса ҳам, гўё ҳамма нарсани гаплашгандек ҳис қилардн ўзини...

...Эрталаб хонага гулдаста кўтариб Йўлдош кирди:

— Юринг.

— Қаёққа!

— ЗАГСга.

— Қизиқмисиз... Бормайман...

— Қизиқмисиз, — дедн Йўлдош ҳавотирланиб, — пастда шунча одам, тўртта машина пойлаб турибди.

Буолма деразадан пастга қаради, бир тўда йигит-қизлар баравар унга қўл силкишарди...

Москвадан ҳам лауреат, ҳам оилали бўлиб қайтишди...

— Ҳозир қизимиз Ҳолида шу тўгаракка қатнаяпти, — дейди Буолма опа фахрланиб, — яхшигина таланти бор.

У оиласидан, ишидан, бахтидан, турмиш-турмушидан фахрланаётган эди!..

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛИ:

УЛКАН МАРРАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, САВДО, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ, ИЛМИЙ ВА ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ, МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР ВА САНОАТ БИРЛАШМАЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1981 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Совет кишилари Коммунистик партия режаларини, мамлакатимиздаги социал-иқтисодий ўзгартишларнинг улуғвор программасини амалга ошириш учун баланд руҳ билан меҳнат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорлари, партия бўлажак XXVI съездига тайёргарлик ишлари, КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси меҳнаткашларнинг ижодий активлигини янада ривожлантиришнинг қудратли омили бўлди.

Ўтган беш йиллик совет халқининг коммунизм қуриш йўлидаги кураши солномасига ёрқин саҳифа бўлиб киради. Советлар мамлакатининг барча меҳнаткашлари каби Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари партиянинг ички ва ташқи сиёсатини астойдил маъқуллаб ва якдиллик билан қўллаб-қувватлаб қаҳрамонона куч-ғайрат сарфладилар ва ўз бурчларига садоқат билан коммунистик бунёдкорликнинг шу босқичини муваффақиятли тугалладилар.

Шу йилларда республика саноати янги чўққиларга кўтарилди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1975 йилга нисбатан 27,4 процент кўпайди, асосий фондлар 19 миллиард сўмлик ортди, меҳнат унумдорлиги 11,2 процент ошди. Пландан ташқари 1,5 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди.

Халқ хўжалигининг етакчи тармоқлари — энергетика, машинасозлик, химия, қора ва рангли металлургия илдам суръатлар билан ривожланди. Ўнинчи беш йиллик даврида химия саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш 52 процентдан зиёд, машинасозликда 57, қора металлургияда 72 процент кўпайди. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш юксак суръатлар билан ортиб борди. Енгил саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 40 процент, озиқ-овқат саноати маҳсулоти 22, мебель маҳсулоти 54, маҳаллий саноат маҳсулоти 78 процент ортди. Аҳолига қариб 44 миллиард сўмлик, шу жумладан пландан ташқари 530 миллион сўмлик мол сотилди, 1,3 миллиард сўмлик, шу жумладан пландан ташқари 10 миллион сўмлик маиший хизмат кўрсатилди. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш йўлидаги кураш кенг миқёс касб этди. Янги техникага қилинган харажатлар тўққизинчи беш йилликка нисбатан 1,4 баравар кўпайди. Ўтган йиллар мобайнида саноатда машиналар, аппаратлар, приборлар ва бошқа маҳсулотларнинг 7 минг 800 та ҳар хил турларини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Меҳнат коллективларининг иш сифатини яхшилаш учун, завод маркасининг шарафи учун бошланган мусобақаси кенг қулоч ёзди. Сифат белгиси қўйилган маҳсулот ишлаб чиқариш 1975 йилга нисбатан 3,3 баравар кўпайди.

Капитал қурилиш кенг миқёсда олиб борилди. Беш йиллик мобайнида салкам 25 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. 70 тадан кўпроқ йирик саноат корхонаси ишга туширилди. Улар орасида Бекобод металлургия комбинатидаги электр ёрдамида пўлат эритиш комплекси, Чирчиқ гидроузели, Самарқанд ва Олмалиқ химия заводларидаги минерал ўғит ишлаб чиқариш қувватлари, Фарғона азотли ўғитлар заводидаги триацетатцеллюлоза корхонаси, Чирчиқ шаҳридаги капролактам ишлаб чиқариши, Сирдарё ГРЭСидаги ҳар бири 300 минг киловаттли бешта энергетика блоки, Мубарак шаҳридаги газни қайта ишлаш қувватлари, Шўртан газ қазиб олиш ва тайёрлаш комплекси билан Шўртан—Сирдарё ГРЭСи ўртасидаги газ қувури, Хива гилам комбинати, Қувасой чинни заводи, Андижон ип-газлама комбинатининг биринчи навбати, Гулистон ёғ-экстракция заводи, 16 та пахта тозалаш заводи ва бошқа корхоналар бор.

Республика меҳнаткашлари 27 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой бинолари, юзлаб мактаблар, болалар муассасалари, шифохоналар ҳамда бошқа маданий ва маиший муассасалар олдилар. Транспортнинг ҳамма турлари янада ривож топди. Темирйўлчилар, автомобилчилар ва авиаторлар пландан ташқари 24 миллион тонна юк ва 150 миллион пассажир ташиб бердилар. Алоқа воситалари планди равишда ривожлантирилди. Шаҳарлараро телефон каналларининг узунлиги икки баравардан зиёд кўпайди, шаҳарлардаги телефон станцияларининг қуввати 1,7 баравар, қишлоқ жойларда эса икки баравар ошди.

Қишлоқ меҳнатчилари беш йилликни қаҳрамонона зафарлар билан нишонладилар. Пахтакорлар, айниқса катта муваффақиятларга эришдилар. 1980 йилда биринчи марта давлатга 6 миллион 200 минг тоннадан кўпроқ пахта сотилди. Ўнинчи беш йиллик планнинг пахта, дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, узум, мева ва каноп харид қилиш юзасидан белгиланган топшириқлари барвақт бажарилди. Ватан мана шу фидокорона меҳнати юксак баҳоланди — Ўзбекистон ССР Ленин ордени билан мукофотланди.

Беш йиллик мобайнида ҳаммаси бўлиб давлат омборига 28,5 миллион тонна ёки планда белгиланганидан 920 минг тонна кўп пахта сотилди. Тўққизинчи беш йилликка нисбатан ялпи пахта ҳосили 4 миллион тонна кўпайди.

Республика меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига ва КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорига жавобан беш йилликнинг якунловчи босқичи — 1980 йилда катта муваффақиятларга эришдилар.

Саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилиш ва унинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1980 йил учун белгиланган планни муддатидан илгари — 26 декабрда бажардилар. Пландан ташқари 283,8 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. 757 хил маҳсулот давлат Сифат белгисига сазовор бўлди ва жами ишлаб чиқариш ҳажмида бу маҳсулотларнинг салмоғи 8,7 процентга етди.

Капитал қурилиш миқёси кенгайди. 4,1 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. 4,3 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди.

Темир йўл, автомобиль транспорти ва граждан авиацияси юк ҳамда пассажир ташиш топшириқларини ошириб бажарди. Пландан ташқари халқ хўжалигининг 5 миллион тонна юки ташиб берилди.

Республика меҳнаткашлари КПСС XXVI съездини янги муваффақиятлар билан кутиб олиб, унинг қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшишга азму қарор берганлар. Улар ўн биринчи беш йилликнинг бош вазифасини ҳал этиш — совет кишиларининг фаровонлигини ошириш учун халқ хўжалигини янада ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, иқтисоднинг барча тармоқларини интенсивлаш, республиканинг ишлаб чиқариш потенциалидан янада оқилона фойдаланиш, ҳамма турдаги ресурсларни ҳар томонлама тежаш ҳамда иш сифатини яхшилашга бутун кучларини сарф қиладилар.

Ўзбекистон ССР саноат, транспорт, алоқа меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми қарорларидан руҳланиб, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ўн биринчи беш йиллигининг биринчи йили учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар.

САНОАТ

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш, корхоналарни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш, мавжуд резервлардан ва ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ тўла-тўкис фойдаланиш, хом ашё ва материалларни тежаб-тергаб ишлатиш ҳаракатини кенгайтириш асосида маҳсулотнинг энг муҳим турларини реализация қилиш ва ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари, 27 декабрда бажарамиз.

Ишлаб чиқариш ҳажмини 1980 йилга нисбатан 6 процент оширишни таъминлаймиз. Пландан ташқари 200 миллион сўмлик маҳсулот реализация қиламиз. Меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғини 15 процент ошириб бажарамиз, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг 70 процентини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлаймиз.

КПСС XXVI съезди шарафига 1981 йилнинг дастлабки икки ой маҳсулотнинг энг муҳим турларини реализация қилиш ва ишлаб чиқариш планини муддатидан аввал, 27 февралда бажарамиз. Пландан ташқари 42 миллион сўмлик маҳсулот реализация қиламиз. Қўшимча равишда 36 миллион кубометрдан ортиқ табиий газ, 20 минг тонна кўмир қазиб оламиз, 17 минг тонна минерал ўғит, 1000 тонна пўлат, 20 та трактор, 3,5 минг тонна пахта толаси, 1,7 минг тонна ўсимлик ёғи, 50 минг жуфт пайпоқ ва кўпгина бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарамиз.

Йиллик пландан ташқари 105 миллион кубометр табиий газ, 110 минг тонна кўмир қазиб чиқарамиз, 100 минг тонна минерал ўғит, 6 минг тонна пўлат, 2 минг тонна прокат, 120 та трактор, 50 та пахта териш машинаси, 100 та чигит экиш сеялкаси, 21 минг тонна пахта толаси, 10 минг тонна ўсимлик ёғи, 200 минг метр шойи газлама, 100 минг жуфт чарм пойабзал, 70 мингта трикотаж ва 300 минг жуфт пайпоқ, 9,5 миллион сўмлик тикилган буюмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарамиз.

200 тага яқин автомат ва механизациялашган поток линияни ишга туширамиз. Ишлаб чиқариш жараёнларини, айниқса ёрдамчи операцияларни автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнатининг улушини янада камайтиришга эришамиз. Хизмат зонасини кенгайтириш, сменалар коэффициентини ошириш ишини давом эттирамиз ва шу йўл билан пландан ташқари 25 миллион сўм фойда оламиз.

Машиналар, механизмлар, приборларнинг 220 та янги турини, кийим-кечак, пойабзал, газламаларнинг 1500 моделини ҳамда маданий-маиший буюмлар ва рўзғор асбоблари турларини ўзлаштирамиз.

Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини жорий этиб, олий сифат категориясидаги маҳсулот салмоғини 9 процентга етказамиз, беш йиллик охиригача эса олий сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни 18 процентга етказамиз.

Маҳсулотнинг 500 турини давлат Сифат белгиси олиш учун тақдим этамиз.

Ишлаб чиқариш технологиясини янада такомиллаштириш, моддий ресурслардан янада оқилона фойдаланиш, иқтисодий тежашни кучайтириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга материал сарфини камайтириш йўли билан камида 430 миллион киловатт соат электр энергияни, 754 гигакалория иссиқлик энергиясини, 291 минг тонна шартли ёқилғини, 23 минг тонна металлни, 35 минг кубометр ёғоч-тахтани, 3 минг тонна пахтани, 51 минг квадрат метр газламани, 10 минг тонна ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа кўпгина бойликларни тежаб қоламиз.

Илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг коллективлари илмий кучларни, моддий ва молиявий ресурсларни фан-техника ва социал тараққиётнинг энг муҳим проблемаларини ишлаб чиқишга тўплайдилар, тадқиқотларнинг самарадорлиги ва сифатини оширадилар, илм-фан ютуқларини халқ хўжалигига жорий этишни жадаллаштирадилар, ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан такомиллаштиришда ва маҳсулот сифатини оширишда саноат корхоналарига ёрдам берадилар.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Транспорт ва алоқа корхоналарининг коллективлари бу йил шу тармоқларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш асосида халқ хўжалиги ва аҳолининг юк ҳамда пассажир ташишга ва алоқа хизматига бўлган эҳтиёжини янада тўлатўкис ва ўз вақтида қондиришни таъминлайдилар.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти ходимлари пландан ташқари 3 миллион тонна юк ва 12 миллион пассажир ташиб бериш; автоприцепларда юк ташиш ҳажмини 25 миллион тоннага етказиш, топшириққа қўшимча равишда 360 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилиш мажбуриятини оладилар. Йиллик юк ташиш ҳажмининг 30 проценти ва пассажир ташиш ҳажмининг 20 проценти бригада пудрати методи билан бажарилади. Меҳнат унумдорлигини 1980 йилда эришилган даражага нисбатан 4,5 процент ошириш, юк ва пассажир ташиш ҳажмини ўстиришнинг 80 проценти шу йўл билан таъминланади.

Темир йўл транспорти коллективлари юк ташиш йиллик планини 30 декабргача бажарадилар, йил давомида қўшимча юк ташиш учун камида 20 минг вагонни бўшатиб берадилар, йиллик топшириқдан ташқари халқ хўжалигининг 300 минг тонна юкини жўнатадилар, локомотивларда 3 минг тонна дизель ёнилғини тежаб қоладилар, юк ташиш таннархини планга нисбатан 0,1 процент камайтирадилар ва планга қўшимча равишда камида 300 минг сўм фойда оладилар.

Граждан авиацияси корхоналарининг ходимлари пассажир ташиш йиллик планини 30 декабргача, халқ хўжалигида авиациядан фойдаланиш планини 28 декабрга бажариш мажбуриятини оладилар. «ИЛ-86» кенг фюзеляжли самолёт-аэроусларда мунтазам равишда пассажир ташишни таъминлайдилар. 1500 тонна ёнилғини тежаб қоладилар, пландан ташқари 360 минг сўм фойда оладилар.

Алоқа корхоналарининг коллективлари маҳсулот ҳажми ва даромад юзасидан белгиланган йиллик планни 30 декабрь куни бажариб, шаҳарларда ва қишлоқ жойларда алоқанинг ҳамма турлари билан хизмат қилишни кенгайтирадилар ҳамда сифатини оширадилар. Пландан ташқари шаҳар телефон станцияларида 2 минг телефон номерини ишга туширадилар ҳамда 8 та районда автомат телефон алоқасини йўлга қўядилар. Шаҳарлараро телефон каналларининг узунлигини 8 процент кўпайтирадилар, шаҳар телефон станциялари сиғимидан фойдаланиш коэффициентини 86 процентга ва қишлоқ телефон станциялари сиғимидан фойдаланиш коэффициситини 83 процентга етказадилар.

САВДО, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ

Савдо корхоналарининг ходимлари товар оборот йиллик планини 29 декабргача бажариш мажбуриятини оладилар. Пландан ташқари аҳолига 58 миллион сўмлик, шу жумладан давлат савдоси йўли билан 40 миллион сўмлик мол сотилади.

Ўзига-ўзи хизмат қилиш усулида сотиладиган мол салмоғи давлат савдосида 60 процентга, матлубот кооперациясида 91,5 процентга етказилади. Магазинларнинг савдо майдони 72,6 минг квадрат метр, умумий овқатланиш корхоналарининг тармоғи 21 минг ўрин миқдорида кўпайтирилади. Давлат ва кооператив савдоси системасида 80 минг тонна гўшт етиштирилиб, аҳолига реализация қилинади.

Маиший хизмат кўрсатиш плани 29 декабрда бажарилади, аҳолига қўшимча равишда 1,8 миллион сўмлик хизмат кўрсатилиб, маиший хизмат ҳажми 10 процент оширилади.

Қорақалпоғистон АССР, областлар саноат, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналари ҳамда ташкилотларининг, республика министрликлари, идоралари ва бирлашмаларининг коллективлари 1981 йил учун конкрет мажбуриятлар қабул қиладилар.

ГЕОЛОГИЯ МИНИСТРЛИГИ

Мис запасларини кўпайтириш жиҳатидан 1981 йил биринчи кварталининг планни муддатидан илгари, КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача бажарилиши таъминланади. Қўрғошин, рух, плавиш шпак запасларини кўпайтириш жиҳатидан йиллик план 2 процент, мис ва газ запасларини кўпайтириш йиллик планлари 5 процент ошириб бажарилади. Иккита газ кони очилади.

Комплекс гидрогеологик съёмка қилиш юзасидан йиллик топшириқ 1 декабрга бажарилади, гидрогеологик тадқиқотларни арзонга тушириш ҳисобига пландан ташқари яна 1000 квадрат километр съёмка қилинади, битта масштабда комплекс гидрогеологик ва инженер-геологик съёмка қилиш йиллик топшириғи 15 декабргача бажарилади.

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани 25 декабрда бажарилади ҳамда юз минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Юксак самарадор «Умумий чуқур нуқта» методи билан сейсморазведка ишлари йиллик плани ажратилган маблағларни кўпайтирмаган ҳолда ошириб бажарилади: узала — ноузала профиллашни жорий этганда 10 процент, рақамли станциялар қўлланганда 8 процент, портлатилмайдиган манбалар қўлланганда 5 процент, вибросейсмик метод қўлланганда 5 процент ошириб бажарилади.

Иқтисодий самараси камида 0,5 миллион сўмлик 10 та илмий тадқиқот ечими ишлаб чиқилади ва жорий этилади. Йиллик шартли тежами 1,4 миллион сўмга борадиган камида 1200 рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Тежалган материаллар ҳисобига 5700 метр колонка қудуқ пармаланади, 500 метр чуқур пармаланади ва конларда 320 метр ер ости йўли қазилади. Республика ишлаб чиқариш кучлари ривожланишини жадаллаштириш мақсадида Сурхондарё областида чуқур пармалаш орқали нефть ва газ конлари очилади.

Моддий ресурслар тежалади, шу жумладан 370 тонна қувур, 120 тонна цемент, 132 кубометр ёғоч-тахта, 150 тонна шартли ёқилғи, 760 минг киловатт-соат электр энергияси тежалади.

Камида 6150 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчилар тайёрланади ва уларнинг малакаси оширилади.

Ҳосилни ўриб-йиғишда колхозга оталиқ ёрдами кўрсатилади, фойдаланиш учун қишлоқ хўжалигига 30 та гидрогеологик қудуқ тайёрлаб топширилади.

ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ

Республиканинг ҳамма истеъмолчилари электр энергия билан пухта таъминланиб туради ва ходимларнинг айби билан аварияларнинг чиқишига барҳам берилади.

Машина-ускуналарнинг пландаги тайёрлиги планга нисбатан 1 процент оширилади. Пландан ташқари бир миллион сўм фойда олинади.

Электр тармоқларидаги энергия нобудгарчиликларини ҳамда энергетика корхоналарининг эҳтиёжларига энергия сарфини қисқартириш ҳисобига 40 миллион киловатт-соат электр энергия тежалади.

Сирдарё ГРЭСининг 300 минг киловатт қувватли ўнинчи энергоблоки КПСС XXVI съезди очилишигача муддатидан илгари ишга туширилади.

Энергетиклар кунигача: Ғазалкент ГЭСида учинчи гидроагрегат, Тошкент шаҳрида 4,1 километр иссиқ сув тармоқлари, «Южная» подстанциясида 125 минг киловольт-амперли трансформатор ҳамда «Алмалинская» подстанциясида 200 минг киловольт амперли трансформатор ишга туширилади.

«Сергели» қозонхонасида соатига 50 гигакалорийли сув иситиш қозони ҳамда «Чиланзарская» қозонхонасида соатига 100 гигакалорийли сув иситиш қозони 7 ноябргача ишга туширилади.

35 киловольт ва ундан юқори кучланишли подстанцияларни ишга туширишнинг плани йилнинг биринчи ярмида камида 6,3 минг киловольт-ампер, учинчи кварталда 12,6 минг киловольт-ампер ошириб бажарилади. Йилнинг биринчи ярмида 35 киловольт ва ундан юқори кучланишли электр линияларидан қўшимча 10 километр, учинчи кварталда қўшимча 20 километр ишга туширилади. Йилнинг биринчи ярмида пландан ташқари 20 километрга 0,4 — 10 киловольт кучланишли, учинчи кварталда 30 километрга шундай линия ишга туширилади.

Электр энергиясини ҳосил қилишга ёқилғи солиштирма сарфи камайтирилади ва шунинг ҳисобига энергетиклар кунигача 10 минг тонна шартли ёқилғи тежалади.

Қурилишда ҳамда темир-бетон буюм ва металл конструкциялар заводларида 22 тонна цемент ва 35 тонна металл тежалади.

2500 рационализаторлик таклифини, янги техника тадбирларини жорий этиш ҳамда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ҳисобига 1,6 миллион сўм иқтисодий самара олинади.

Агрегатларнинг капитал ремонти «яхши» ва «аъло» баҳоларда бажарилади. Генераторларнинг капитал ремонтда бўлиш муддатлари 2 процент қисқартирилади. Капитал ремонтларда илғор, технологияни жорий этиш ҳисобига 180 минг сўм тежалади.

22 декабргача Ангрен ГРЭСи билан Қувасой ГРЭСидаги кул тутадиган установкалар, Фарғона ТЭЦи билан Тошкент ТЭЦида ҳар бир корхонанинг битта қозон агрегатида кул тутадиган установкалар реконструкция қилиниб бўлади.

Пландан ташқари 2 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилиши таъминланади.

ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулот реализация қилиш ҳамда кўпчилик маҳсулот турларини ишлаб чиқариш юзасидан йиллик план муддатидан илгари, 28 декабргача бажарилади, ишлаб чиқариш ҳажми 5 процент кўпайиши таъминланади. Пландан ташқари 36 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Планга қўшимча 70 минг дона трикотаж буюм, шу жумладан 50 минг дона болалар кийим-кечаги, 300 минг жуфт пайпоқ, 100 минг жуфт чарм пойабзал, 20 минг жуфт болалар пойабзали, 4,5 миллион сўмлик кийим-кечак тайёрланади.

КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача олти корхона икки ойлик планни, 2690 киши бир квартал топшириғини, 20 мингдан ортиқ киши январь-февраль ойлари топшириғини бажаради. Съезд очиладиган кунда 700 киши тежалган хом ашё билан ишлайди.

Янги техника ва технология бўйича иқтисодий самараси 7,8 миллион сўмга борадиган 240 тадбир жорий этилади.

5000 дона технологик машина-ускуна ўрнатилади, 25 цех ва участка комплекс равишда механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади, 35 автомат, ярим автомат ва механизациялаштирилган поток линиялар жорий этилади.

Камида 3900 рационализаторлик таклифи жорий этилиб, шунинг ҳисобига 6 миллион сўм иқтисодий самара олинади.

450 буюм давлат Сифат белгисини олишга тақдим этилади ва Сифат белгисини олган маҳсулотларнинг салмоғи 20 процентга етказилади.

Корхоналарнинг техникавий жиҳозланишини ошириш, ёрдамчи ишларни автоматлаш ва механизациялаш ҳисобига қўл меҳнати салмоғи 5 процент камайтирилади.

1981 йилда камида 400 бригада пировард натижаларга қараб ҳақ тўланадиган меҳнатни ташкил этиш бригада формасига ўтказилади.

Хом ашё ва материаллар сарфини камайтириш ҳисобига 200 тонна пахта, 51 минг квадрат метр газлама, 10 миллион киловатт-соат электр энергияси, 35 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, 3200 тонна шартли қозон-печь ёқилғиси тежалади. Пландан ташқари 1 миллион сўм фойда олинади.

Андижон ип-газлама комбинати ҳамда Фарғона тўқимачилик комбинатида, Жиззах ип-йигириш фабрикаси, Поп нотўқима газламалар фабрикасида, тўқимачилик корхоналарининг 14 филиалидаги қувватлар белгиланган муддатларда ва муддатидан илгари ишга туширилади ҳамда барвақт ишга туширилиш ҳисобига 3,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Умумий саҳни 87,6 минг квадрат метрга борадиган уй-жой, 1920 ўринли мактабгача болалар муассасалари барвақт топширилади.

Ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, ишлаётганларнинг иш ва маиший шароитларини яхшилаш чоралари амалга оширилади, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги тадбирларига 2,9 миллион сўм сарфланади.

Асосий оммавий касбда 15 минг янги ишчи тайёрланади, ҳамда 24 минг ишчининг малакаси оширилади.

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш давлат планн муддатидан илгари, 26 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 20,8 минг тонна пахта толаси, 2,4 минг тонна линт, 108 тонна каноп тола тайёрланади.

Ишлаб чиқариш ҳажми 1980 йилга нисбатан 4,9 процент оширилади. Пландан ташқари 80 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача пландан ташқари 3,5 минг тонна пахта толаси тайёрланади, планга қўшимча 15 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 1 процент оширилади ва маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг 80 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади.

Хом ашёнинг сифатли қайта ишланиши ҳамда истеъмолчиларга маҳсулот белгиланган ассортиментда ва тегишли муддатларда юборилиши таъминланади. ♦ 1981 йилнинг 15 мартигача 236 минг тонна уруғлик чигит тайёрланиб, пахтакор хўжаликларга юборилади.

Ишлаб чиқариш технологиясини янада такомиллаштириш ва яхшилаш, барча моддий ресурслардан янада рационал фойдаланиш, тежамкорлик режимини кучайтириш, маҳсулотга кетадиган материал ҳажмини камайтириш йўли билан камида 14 миллион киловатт-соат электр энергияси, 1,2 минг тонна шартли ёқилғи, 180,8 минг квадрат метр ўроб газламаси, 173 тонна сим (лента тунука), 85 тонна цемент, 30 кубометр ёғоч-тахта, 19 тонна қора металл прокати тежалади.

Пахта қуритадиган ва тозалайдиган 26 поток линия фойдаланишга топширилади, қўшимча 30 та қуритиш барабани, 8 пресс установка, 50 та тола ажратувчи машина, 10 вентиляцион намлаш установкалари, 30 цилонасинатель станок, 22 пилоточка, 43 серунум аррали жин машина, 24 валикли жин машина, тозаловчи секцияси бўлган 18 қуритиш агрегати, жуда бўлғанган лубга ишлов берадиган 2 та тарашовиш машиналари фойдаланишга топширилади.

Қоракўл пахта заводи билан «Шўро» пахта заводида қувватларни муддатидан илгари ўзлаштириш ҳисобига 3,7 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот тайёрлаб чиқарилади.

Чигитдан ажратиладиган пахта толаси ГОСТ базис нормаси миқёсида тайёрланган жами маҳсулотнинг 91,5 процентини ҳамда линт 98 процентини ташкил қилишига эришилади. Каноп узун толасининг сорти 0,01 сорт яхшиланади.

Пландан ташқари 2,4 миллион сўм фойда олинади.

Санитария-соғломлаштириш тадбирлари 1981 йилнинг 10 декабригача бажарилади, меҳнатни муҳофаза этиш, техника хавфсизлиги ҳамда меҳнат санитария-гигиена шароитларини яхшилаш учун 5,2 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилади.

Шартли йиллик иқтисодий самараси, 1,5 миллион сўмга борадиган камида 1800 рационализаторлик таклифи жорий этилади. 2,7 минг янги ишчи тайёрланади, 4,9 минг ишчи ва 2,2 минг инженер-техник ходим ҳамда хизматчининг малакаси оширилади. 18 минг ходим ҳамма турдаги иқтисодий ўқишга жалб этилади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Реализация қилиш ҳажми юзасидан йиллик план 25 декабргача бажарилади, пландан ташқари 18 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Планга қўшимча равишда 10,6 минг тонна ўсимлик мойи, 100 тонна маргарин маҳсулоти, 300 тонна макарон маҳсулотлари, 435 тонна кондитер маҳсулотлари, 1200 тонна саломас, 2000 тонна кир совун, 107 тонна атир совун, 200 тонна глицерин, 100 тонна хамиртуруш, 350 тонна ферментланган тамаки ишлаб чиқарилади, беш хил янги маҳсулотни тайёрлаш ўзлаштирилади.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2,6 процент ўсиши таъминланади, меҳнат унумдорлиги 2,1 процент оширилади ва ишлаб чиқариш ўсишининг камида 80 проценти шунинг ҳисобига олинади.

Фан-техника тараққиёти юзасидан иқтисодий самараси 1,5 миллион сўмлик 18 тадбир жорий этилади. Ходимларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ва соғломлаштириш борасидаги асосий тадбирлар комплекс плани сўзсиз бажарилиши таъминланади.

Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаш ҳисобига қўл меҳнатининг салмоғи 1,2 процент камайтирилади.

Қўқон ва Самарқанд нон комбинатларида, Тошкент булка-кондитер комбинатида меҳнатни ташкил этиш ва пировард натижаларга кўра ҳақ тўлаш бригада формаси жорий этилади.

Иқтисодий самараси 1 миллион сўмлик камида 560 рационализаторлик таклифи жорий этилади.

3 миллион киловатт-соат электр энергияси, 53 минг гигакаллорий иссиқлик, 7 минг тонна шартли ёқилғи, 35 тонна автобензин, 25 тонна дизель ёнилғи, 60 тонна цемент, 54 тонна қора металл, 200 кубометр ёғоч-тахта тежалади.

Гулистон ва Косон ёғ-экстракция заводларида жами саҳни 4780 квадрат метрга борадиган уй-жой ҳамда Гулистон заводида меҳмонхона типидаги 104 ўринли ётоқхона муддатидан илгари фойдаланишга топширилади.

3600 янги ишчи тайёрланади, 4600 ишчи, 570 инженер-техник ходим ва хизматчи малака ошириш курсларида ўқитилади. 18.900 киши иқтисодий ўқишга жалб этилади.

МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулот реализация қилиш ва энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йиллик плани 25 декабргача бажарилади. Пландан ташқари 10 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади, шу жумладан қўшимча 4 миллион сўмлик кийим-кечак, 1 миллион сўмлик бадиий ҳунармандчилик маҳсулотлари, 1 миллион сўмлик тўқимачилик-атторлик маҳсулотлари, 2 миллион сўмлик бошқа хил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш ҳажми пландаги 5,9 процент ўрнига 7,6 процент оширилади.

КПССнинг XXVI съезди шарафига тармоқнинг 20 минг меҳнаткаши, 75 корхона съезд очиладиган кунгача икки ойлик планларини бажаради ва 1 миллион сўмликдан кўп қўшимча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаради.

Меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш, иш вақтидан рационал фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлиги плани 3,9 процент ошириб бажарилади, ишлаб турган корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг 65 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади.

Янги техникага доир 165 тадбир, 8 автомат, ярим автомат ва механизациялаштирилган поток линия, иқтисодий самараси 450 минг сўмга борадиган камида 260 рационализаторлик таклифлари жорий этилади, қўл меҳнатининг салмоғи 1 процент камайтирилади.

95 маҳсулот давлат Сифат белгисини олишга тақдим этилади ҳамда 420 хил янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Пландан ташқари 200 минг сўм фойда олинади, 2,2 миллион киловатт-соат электр энергияси, 3,5 минг гигакалорий иссиқлик, 2000 тонна шартли ёқилғи тежалади.

Маҳаллий хом ашё ва ишлоб чиқитлардан кенг истеъмол моллари тайёрлаш планга нисбатан 10 процент кўпайтирилади.

Сирдарё шаҳрида мактаб жиҳозлари заводи, Шаҳрисабзда мебель фабрикаси, Термиз тикувчилик-галантерея фабрикаси ва бошқа бир қанча корхоналар муддатидан илгари фойдаланишга топширилади ва шунинг ҳисобига 600 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилади. Олмазор биокорлик материаллари комбинати учун октябрь ойида ётоқхона, Хива шаҳрида иккита уй май ойида фойдаланишга топширилади.

3,5 минг янги ишчи тайёрланади, 2,2 минг ишчи, 460 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. 7,8 минг киши иқтисодий ўқишга жалб этилади.

(Давоми учинчи бетда).

ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛИ:

УЛКАН МАРРАЛАР

(Бошы иккинчи бетда).

ГЎШТ ВА СУТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулот реализация қилиш ва кўпчилик энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йиллик плани 24 декабргача бажарилади. Пландан ташқари 12 миллион сўмлик, шу жумладан КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача 2 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Йиллик пландан ташқари 1000 тонна колбаса маҳсулотлари, 5000 тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади.

1981 йилда саноат маҳсулотининг 4,1 процент ўсиши таъминланади, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг камида 85 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

Сўйилган молни қайта ишлашни яхшилаш йўли билан гўшт маҳсулоти ресурслари камида 4 минг тонна кўпайтирилади.

400 тонна шартли ёқилғи, 330 гигакалорий иссиқлик энергияси ва 700 минг киловатт-соат электр энергияси тежалишига эришилади.

Янги техникадан 18 тадбир жорий этилади, ишлаб чиқаришни автоматлаш ва механизациялаш ҳисобига кўл меҳнатининг салмоғи 1 процент камайтирилади.

Камида 340 рационализаторлик таклифини жорий этиш ҳисобига 310 минг сўмлик йиллик иқтисодий самара олинади.

Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш бригада формаси жорий этилади ва барча ишчиларнинг камида 25 проценти шу формага жалб қилинади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, резервлардан яхшироқ фойдаланиш, тежамкорлик режимини кучайтириш, ноишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш, таннархни арзонлаштириш ҳисобига пландан ташқари 600 минг сўм фойда олинади.

Ноябрь ойида Чирчиқ шаҳрида сут заводи, октябрь ойида Кўқон гўшт комбинатининг колбаса цехи, Тошкент гўшт комбинатида 72 квартирали уй ҳамда 280 ўринли болалар боғчаси муддатидан илгари фойдаланишга топширилади.

510 янги ишчи тайёрланади, 1420 ишчи, 340 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, камида 5000 ишчи иқтисодий ўқиш ҳамма турларига жалб этилади.

ТАЙЁРЛАШ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари, 25 декабрда бажарилади ва пландан ташқари 10 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Жадал реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, қувватларни ўзлаштириш ҳисобига йиллик пландан ташқари 15 минг тонна навли ун, 5 минг тонна гуруч ва 20 минг тонна омихта ем тайёрлаб чиқарилади.

Пландан ташқари 450 минг сўм фойда олинади. Донни қайта ишлаш прогрессив технологияси ва илғор тажрибаларни жорий этиш ҳисобига нормаларга нисбатан юқори навли ун миқдори 1,5 процент кўпайтирилади, меҳнат унумдорлиги пландан ташқари 0,5 процент оширилади, ишлаб чиқариш ўсишининг 70 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бўлади.

350 рационализаторлик таклифини жорий этишдан 420 минг сўм йиллик тежам олинади, янги техника бўйича йиллик иқтисодий самараси 630 минг сўмга борадиган тадбирлар ҳамда 20 тадан кўп автомат, ярим автомат ва механизациялаштирилган поток линиялар жорий қилинади. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаш ҳисобига кўл меҳнатининг салмоғи 3 процент камайтирилади.

30 майгача бошоқли экин маҳсулотларини тайёрловчи корхоналарнинг моддий-техника базаси, 30 июлгача эса маккажўхори дони ва шоли тайёрловчи корхоналарнинг моддий-техника базаси дон қабул қилиб олишга тахт қилиб қўйилади. Дон маҳсулотлари, уруғлар, омихта ем ва тара тўла сақланиши таъминланади. Йил мобайнида 1900 янги ишчи тайёрланади ва уларнинг малакаси оширилади, камида 3900 киши иқтисодий ўқишга жалб этилади.

6,4 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалади.

Ишлайдиганларнинг меҳнат шароитлари, уларга маиший ва маданий хизмат кўрсатиш яхшиланади. Маиший хоналар, хотин-қизлар шахсий гигиена хоналари, жомакор чанги олинадиган хоналар, шунингдек техника хавфсизлиги кабинетлари бекаму кўст ишлаш таъминланади.

Корхоналар территориясини ободонлаштириш давом эттирилади, камида 25000 тун дов-дарахт кўчатлари ўтказилади.

МЕБЕЛЬ ВА ЕҒОЧСОЗЛИК САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан йиллик план 26 декабргача бажарилади, пландан ташқари 2,5 миллион сўмлик маҳсулот шу жумладан 2 миллион сўмлик мебель реализация қилинади. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши пландаги 4,4 процент ўрнига 6,5 процент бўлиши таъминланади. Меҳнат унумдорлиги 4,2 процент оширилади. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 65 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

8 автомат линия муддатидан илгари, 7 ноябргача ишга туширилади; иқтисодий самараси 290 минг сўмга борадиган камида 210 рационализаторлик таклифи жорий этилади. Кўл меҳнатининг салмоғи 1,4 процент камайтирилади.

31 хил мебель давлат Сифат белгисини олишга қўйилади, давлат Сифат белгисини олган маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 процентигача етказилади. 41 хил янги маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Пландан ташқари 200 минг сўмлик фойда олинади, 72 минг сўмлик хом ашё ва материал, 150 минг киловатт-соат электр энергияси, 50 тонна шартли ёқилғи, 290 гигакалория иссиқлик энергияси тежалади.

Ишлаб чиқариш чиқитларидан кенг истеъмол моллари тайёрлаш камида 20 процент кўпайтирилади.

1200 янги ишчи тайёрланади, 1350 ишчи ва 120 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, 2,2 минг ходим иқтисодий ўқишга жалб қилинади.

МЕВА-САБЗАВОТ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари, 26 декабрда бажарилади, пландан ташқари 10,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва 5,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Пландан ташқари 10 минг шиша шампан виноси тайёрлаб чиқарилади, 0,5 миллион декалитр вино маҳсулотлари тайёрланади, 0,5 миллион декалитр шарбат маҳсулотлари тайёрланади ва жўнатилади.

Ишлаб чиқариш ҳажми 3,6 процент оширилади.

5000 декалитр вино маҳсулоти, 600 тонна мева-сабзавот хом ашёси, 3,6 минг тонна шартли ёқилғи, 30 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, 0,5 миллион киловатт-соат электр энергияси, 127 тонна бензин, 73 тонна дизель ёнилғи, 19 тонна қора металл прокати, 232 тонна цемент, 349 кубометр ёғоч-тахта тежалади.

Янги техника бўйича йиллик иқтисодий самараси 600 минг сўмга борадиган 18 тадбир, 22 автомат, ярим автомат ва механизациялаштирилган поток линиялар жорий этилади, кўл меҳнатининг салмоғи 1,4 процент камайтирилади, 13 та янги хил маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилади, йиллик иқтисодий самараси 400 минг сўмга борадиган 350 рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Пландан ташқари 650 минг сўм фойда олинади.

Қува консерва заводида ЛУ-3 линиясининг, Янгийўл консерва заводида АС-550 линиясининг ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилади ва муддатидан илгари ишга туширилиши таъминланади.

Капитал маблағлар йиллик плани 27 декабргача бажарилади.

Автотранспортда юк ташиш плани 29 декабргача бажарилади, пландан ташқари 15 минг тонна юк ташилади.

2300 янги ишчи тайёрланади, 2700 ишчи ва 450 инженер-техник ходим, хизматчиларнинг малакаси оширилади. 1,5 минг киши иқтисодий ўқишга жалб қилинади.

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, пландан ташқари 700 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилади ҳамда 800 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ МИНИСТРЛИГИ

Юк ва пассажирлар ташиш йиллик плани 29 декабргача, саноат маҳсулотларини реализация қилиш йиллик плани 28 декабргача, аҳолига транспорт хизмати ва маиший хизмат кўрсатишдан тушадиган даромадлар йиллик плани 27 декабргача бажарилади.

Йиллик пландан ташқари 3 миллион тонна юк, 12 миллион пассажир ташилади, енгил такси машиналарда ҳақи тўланган 5 миллион километр йўл босилади, 360 минг сўмлик саноат маҳсулотлари реализация қилинади, аҳолига 200 минг сўмлик транспорт—маиший хизмат кўрсатилади. Пландан ташқари 1 миллион сўм фойда олинади.

Автомобилларда юк ташишда меҳнат унумдорлиги 4,5 процент ўсиши, саноат ва қурилишда 3,5 процент ўсиши таъминланади, Саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг бугун ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинади.

Юк автомобилларидан фойдаланиш коэффициенти 0,696 гача, автобуслардан фойдаланиш коэффициенти 0,736 гача, енгил такси машиналаридан фойдаланиш коэффициенти 0,831 гача, юк автомобилларининг ишлаш режими 10,1 соатгача оширилади.

Шаҳарлараро марказлашган юк ташиш ҳажми 3,6 миллион тоннага етказилади. Йил-йўлакай 395 минг автомобилга юк ортилади. Контейнер, пакет, поддонларда 6 миллион тонна юк ташилади, прицепларда юк ташиш ҳажми кўпайтирилиб, 25 миллион тоннага етказилади.

Камида 30 процент юк ва 20 процент пассажир бригада пудрати методи билан ташилади.

Автобусларнинг қатнаш мунтазамлиги 88 процентгача кўтарилади. Тошкентдаги 2-енгил автомобиллар комбинати ҳузурида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва пассажирларга хизмат кўрсатиш янги форма ва методларини ўрганиш ҳамда ёйиш борасидаги илғор тажрибалар мактаби очилади.

Янги техникани жорий этиш планига мувофиқ камида 340 та янги технологик машина-ускуна ва 390 ностандарт машина-ускуна тайёрланади ва ўрнатилади. Тошкентдаги 2-авторемонт заводида ЛИАЗ-677 ва «Икарус» автобусларини капитал ремонт қилиш ўзлаштирилади. Рационализаторлик таклифларини жорий этишдан бир йилда 1 миллион 270 минг сўм тежалади.

Гулистон шаҳрида 130 автобус сиғадиган парк ва Самарқанд шаҳрида 500 пассажирга мўлжалланган автовокзал муддатидан илгари, учинчи кварталда фойдаланишга топширилади. Йил мобайнида 6400 квадрат метр уй-жойни бир маромда битказиб, топшириб борилиши таъминланади.

6000 тонна бензин, 1,5 минг тонна дизель ёнилғи, 1,2 миллион киловатт-соат электр энергияси, 10 минг гигакалорий иссиқлик, 1500 тонна ёқилғи, 80 тонна металл прокат тежалади. Тежалган ёқилғи билан уч кун ишлаб берилади.

11500 ишчи, 600 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. Оммавий касбларда 16770 ишчи тайёрланади.

АЛОҚА МИНИСТРЛИГИ

Даромадлар ва маҳсулот ҳажми йиллик плани 30 декабргача бажарилади. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 0,1 процент оширилади, маҳсулот таннархи эса планга нисбатан 0,1 процент камайтирилади.

Муддатидан илгари, КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача Қарши шаҳрида телевидениенинг 3-программаси кўрсатилиши ташкил этилади, В. И. Ленин туғилган куннинг 111 йиллигигача шаҳар телефон станцияларида пландан ташқари 1000 та номер ва конституция кунигача 1000 та телефон номери ишга туширилади. Олмалиқ шаҳрида 7 ноябргача 1000 та номерли АТС доимий ишлатиш учун топширилади. 8 районда тўла автоматлаштирилган ички район алоқаси ташкил этилади. Қишлоқ телефон станциялари қувватидан фойдаланиш коэффициенти 83 процентга, шаҳар телефон станциялари қувватидан фойдаланиш коэффициенти 86 процентга етказилади.

Алоқа қурилиш ташкилотларида 25 бригада пудрат усулида ишлашга ўтказилади.

Илғор технологияни, механизациялаш ва автоматлаштиришни, меҳнатни илмий ташкил қилишни жорий этиш ҳисобига 520 минг сўм миқдорда шартли йиллик маблағ тежаб қолинади. Йилига 122 минг сўм иқтисодий самара берадиган камида 1190 рационализаторлик таклифи жорий этилади. 1 миллион киловатт-соат электр энергия, 50 тонна дизель ёнилғиси, 30 тонна бензин ва 50 тонна қора металлар тежаб қолинади.

Намунали алоқа узеллари сони 40 тагача, алоқа бўлимлари сони 450 тагача кўпайтирилади.

«Союзпечать» чакана савдо тармоқларида киоскалар 26 та, шу жумладан қишлоқ жойларда 8 та кўпайтирилади.

Оммавий касблардаги 250 нафар янги ходим пландан ташқари тайёрланади ва 600 нафар ишчи, инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади.

САВДО МИНИСТРЛИГИ, ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАЛАРИ ВА БЎЛИМЛАРИ

Товар обороти плани муддатидан илгари, 29 декабрда бажарилади ва аҳолига 40 миллион сўмлик қўшимча мол сотилади.

КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача пландан ташқари 5 миллион сўмлик мол реализация қилинади.

Марказлаштирилмаган тартибда ҳарид қилиш йўли билан 120 миллион сўмлик саноат моллари қўшимча равишда товар оборотига жалб қилинади.

Умумий овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқарилган ўз маҳсулоти пландан ташқари 5 миллион сўмлик реализация қилинади.

Ярим фабрикат ва кулинария маҳсулотлари сотиладиган 20 та магазин очилади, фабрика-завод ошхоналаридан 60 таси ва студентларнинг ошхоналаридан 17 таси комплекс тушлик овқат реализация қилишга ўтказилади.

Ўзига ўзи хизмат қилиш методи билан сотиладиган моллар салмоғи 60 процентга етказилади.

Аҳоли учун пландан ташқари 10 минг тонна картошка, сабзавот ва мева ташиб келтирилади.

Чўчқалар 40 минг бошга, паррандалар 200 мингтага етказилади, молларни семиртириш 1600 тоннага етказилиб, аҳолига 1500 тонна гўшт реализация қилинади.

35,8 минг тонна қанд-шакар, 34,7 минг тонна ун, 10,6 минг тонна кондитер маҳсулотлари, 4,2 минг тонна макарон маҳсулотлари, 25,7 минг тонна картошка ва сабзавот 30 декабргача қадоқланиши таъминланади.

Қурилиш-монтаж ишлари йиллик плани муддатидан илгари, 15 декабрда бажарилади. Янги магазинлар қуриш ва эскиларини реконструкциялаш ҳисобига магазинларнинг савдо-сотиқ майдони 35 минг квадрат метр кенгайтирилади, умумий овқатланиш корхоналаридаги ўринлар сони 4 мингта кўпайтирилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг 60 тасида меҳнатни илмий ташкил этиш намунали бўлимлари тузилади ва уларнинг тажрибаси Савдо министрлиги системасида оммалаштирилади. Йиллик иқтисодий самараси 150 минг сўмдан ошадиган 50 дан кўпроқ рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш доимо такомиллаштирилади, ходимларнинг меҳнат шароити яхшиланади.

Оммавий касблардаги 10500 ходим, шу жумладан 6915 нафар контролер-кассир ва сотувчи, 2605 нафар ошпаз ва қандолатчи тайёрланади.

Хотин-қизлардан 5,5 минг киши, ёшлардан 10 минг киши давлат савдосида ишлашга жалб этилади ва савдо касбларига ўқитилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

Товар балиқ реализация қилиш йиллик плани 15 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади, 10 минг центнер балиқ етиштирилади ва тутиб олинади, 300 минг шартли банка балиқ консерваси, 200 центнер дудланган балиқ маҳсулоти, 300 центнер ем боп ун тайёрланади, 5 миллион туп стандарт кўчат тайёрланади.

Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 1,2 процент оширилади, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг камида 60 проценти шунинг ҳисобига олинади.

Андижон тўлиқ системали ҳовузчилик хўжалигида балиқ боқиладиган 397 гектар ҳовуз муддатидан илгари, 15 декабргача фойдаланишга топширилади.

Пландан ташқари 110 минг сўм фойда олинади.

Асосий касбларда 200 янги ишчи тайёрланади, 50 ишчи, 52 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, 1700 киши иқтисодий ўқишга жалб этилади.

РЕСПУБЛИКА МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИ СОЮЗИ («ЎЗБЕКБИРЛАШУВ»)

Чакана товар обороти плани муддатидан илгари, 29 декабрда бажарилади, планга қўшимча равишда 18 миллион сўмлик мол сотилади. Умумий овқатланиш корхоналарида шу корхоналарнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар пландан ташқари 5 миллион сўмлик реализация қилинади.

Нормативлардан ташқари запасдаги 30 миллион сўмлик мол оборотга киритилади.

Китоблар сотиш йиллик плани 25 декабрда бажарилади, пландан ташқари 100 минг сўмлик китоб сотилади.

Қўшимча равишда 200 та магазин ўзига ўзи хизмат қилиш методи билан ишлашга ўтказилади. КПСС XXVI съездигача ана шундай магазинлар сони 12 минг 600 тага етказилади. Товарларнинг 91,5 процентига қадари ўзига ўзи хизмат қилиш методи билан реализация этилади. 7 та район матлубот союзи ва район матлубот жамиятида кооператив савдоси комплекс рационализация қилинади, ихтисослаштирилган 90 та магазин ташкил этилади.

Йил охиригача савдо базалари ва йирик савдо корхоналарида камида 122 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари қадоқланиши таъминланади.

Кўкламги дала ишлари даврида дала шийпонларида сотувчисиз 2100 та дўкон ўрнатилади, оммавий пахта терими вақтида уларнинг сони 5600 тага, кўчма савдо дўконлари эса 1700 тага етказилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёсини тайёрлаш ҳамда харид қилиш плани 7 ноябргача бажарилади. 7 минг тоннагача сабзавот ва полиз маҳсулотлари хашар усулида ғамлаб, асралиши таъминланади.

Мўйна етиштириш плани муддатидан илгари, 25 декабрда бажарилади. Ҳайвонотчилик хўжаликларидан давлатга 3,3 миллион сўмлик, жумладан планга қўшимча равишда 200 минг сўмлик мўйна топширилади.

80 минг тонна, шу жумладан молларни семиртириш орқали 36 минг тонна гўшт етиштирилиб, савдо тармоқлари орқали аҳолига реализация қилинади. Ишлаб чиқариш йиллик плани 25 декабрда бажарилади, пландан ташқари 10 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади.

Қурилиш-монтаж ишлари плани 20 декабрда бажарилади, янги магазинлар қуриш, эскиларини реконструкциялаш ҳисобига магазинларнинг савдо-сотиқ майдони 31 минг квадрат метр кенгайтирилади, умумий овқатланиш корхоналаридаги ўринлар сони 2800 тага кўпайтирилади, саҳни 15 минг квадрат метрга борадиган савдо-омбор бинолари, 2 минг тонна маҳсулот сиғадиган сабзавот омборлари фойдаланишга топширилади.

Йиллик иқтисодий самараси 115 минг сўмдан ошадиган 40 тадан кўпроқ рационализаторлик таклифи жорий этилади.

6500 хотин-қиз савдо соҳасидаги ишга жалб этилади.

Кооператив техникумларда 3759 мутахассис тайёрланади, 7220 киши оммавий касбларга ўргатилади.

Аҳолини кооперативларга жалб этиш йиллик топшириғи 20 декабрда бажарилади, пландан ташқари 2000 киши кооперативларга қамраб олинади.

АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МИНИСТРЛИГИ

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш плани муддатидан илгари, 29 декабрда бажарилади. Хизмат кўрсатиш ҳажми 10 процент оширилади ва пландан ташқари 1,8 миллион сўмлик хизмат кўрсатилади. Меҳнат унумдорлиги 7,4 процент оширилади, шунинг ҳисобига хизмат кўрсатиш ҳажмининг 65 процент ўсиши таъминланади.

Фойда олиш плани 350 минг сўм ошириб бажарилади.

610 минг киловатт-соат электр энергияси, 219 тонна кўмир, 400 тонна металл тежалади.

Корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш давом эттирилди: 2500 тадан кўпроқ янги машина-ускуналар, 320 та кичик механизация воситалари ишга туширилади. Камида 180 та рационализаторлик таклифлари жорий этилади. Шунинг ҳисобига, шунингдек илғор технологияларидан фойдаланиш йўли билан кўл меҳнатининг салмоғи 5,7 процент камайтирилади ва 200 минг сўмлик шартли йиллик тежам олинади.

Абонемент хизматини ривожлантириш ва такомиллаштириш давом эттирилди —абонементлар сони 25 минг донагача етказилади.

Кўрсатилаётган хизмат сифати ва хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш учун якка тартибда кийим-кечак тикувчи 30 ателье ва устахонанинг разряди оширилади. Самарқанд, Наманган ва Фарғонада якка тартибда пойабзал тикувчи энг юқори разрядли ателье ташкил қилинади. 15 хил янги хизматлар жорий этилади. Колхозлар, совхозлар ва корхоналардаги комплекс қабул пунктларининг жами миқдори йил охиригача 1408 тага етказилади.

Бухоро областидаги Шофиркон районида 80 ишчига мўлжалланган маиший хизмат уйи белгиланган муддатдан икки ой илгари фойдаланишга топширилади.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш иши доимо такомиллаштириб борилади. 9805 ишчи тайёрланади ва система ходимларидан 4625 кишининг малакаси оширилади. 25 минг киши иқтисодий ўқишга тортилади.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИ БОШҚАРМАСИ

Халқ хўжалик юкларини жўнатиш йиллик плани 30 декабрда бажарилади ва йил охиригача пландан ташқари камида 300 минг тонна юк жўнатилади.

Вагон оборотини топшириққа нисбатан 0,01 сутка тезлатилади, статик нагрузка 0,1 тонна оширилади, вагонларнинг деподаги ремонтда бекор туриш нормаси 0,4 соат камайиши таъминланади.

Ҳаракат составидан фойдаланиш самарадорлигини ҳамда эксплуатация ишлари сифатини ошириш ҳисобига локомотив иш унумининг пландан ташқари 1 минг тонна километр брутто кўпайишига, вагоннинг иш унуми 3 минг тонна-километр нетто кўпайишига эришилади.

Йўл воситалари билан юк ортиш-туширишлари плани 0,5 процент ошириб бажарилади, юк ташишни маршрутлаш даражаси юк жўнатиш жами ҳажмининг 49,1 процентигача етказилади.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этишни, янги техника ва илғор технологияни кенг жорий эта бориб, меҳнат унумдорлиги топшириққа нисбатан 0,1 процент оширилади. Юк ташиш таннархи планга нисбатан 0,1 процент пасайтирилади ва пландан ташқари камида 300 минг сўм фойда олинади.

Пассажир ташишни ташкил қилиш янада яхшиланади, вокзаллар ва поездларда пассажирларга хизмат кўрсатиш маданияти оширилади.

Локомотивларга техника хизмати кўрсатиш ва асраш даражасини ошириш, жорий ремонт илғор методларини жорий этиш ҳисобига носоз локомотивларнинг депо проценти нормадан 0,1 процент қисқартирилади.

Йўлни сақлаш яхшилаш ҳисобига унга балл билан бериладиган баҳо топшириққа нисбатан 1,5 процент камайтирилади ва поездларнинг қатнов тезлиги топшириққа қўшимча равишда 10 процент оширилади. Йўлни сақлашни механизациялаш даражаси топшириққа нисбатан 0,5 процент оширилади. Йўл ишларини ремонт қилиш плани 30 декабргача тугалланади, 358 километр чоксиз йўл ётқизилади, темир-бетон шпалларга ётқизилган 370 километр йўл капитал ремонтдан чиқарилади. Битказилмаган қурилиш ҳажми белгиланган нормага нисбатан 10 процент камайтирилади.

Йиллик иқтисодий самараси камида 3,5 миллион сўмга борадиган рационализаторлик таклифлари жорий этилади. Йил мобайнида локомотивларда камида 3 минг тонна дизел ёқилғи, 2,2 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалади.

Коллективларни иқтисодий ва социал ривожлантириш комплекс планига мувофиқ 33 минг квадрат метр уй-жойни капитал ремонтдан чиқазиш плани 25 декабргача тугалланади, 43 минг квадрат метр уй-жой саҳни фойдаланишга топширилади. Линиядаги станциялар ходимларини саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш яхшиланади, яна учта магазин ва 3 та умумий овқатланиш корхонаси очилади. Номарказлашган манбалар ҳисобидан 1 миллион сўмлик озиқ-овқат ва саноат моллари фонддан ташқари харид этилади ва реализация қилинади.

Йўл техника мактабларида ва якка-якка —бригада методи билан 12.280 киши, база ҳунар-техника билим юртларида 3600 ёш ишчи тайёрланади. 700 раҳбар ва инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИ

Транспорт ишлари йиллик плани муддатидан илгари, 30 декабргача, халқ хўжалигида авиациядан фойдаланиш плани 28 декабргача, қишлоқ хўжалик майдонларига ишлов бериш плани 1 декабргача бажарилади. Пландан ташқари 16 минг пассажир жўнатилади, 20 миллион пассажир-километр училади, 70 минг гектар қишлоқ хўжалик экинзорларига ишлов берилади. Транспорт авиациясида юк ташиш таннархи планга нисбатан 0,1 процент ҳамда халқ хўжалигидаги ишларни бажариш 1 процент пасайтирилиб, пландан ташқари 360 минг сўм фойда олинади.

Меҳнат унумдорлиги топшириққа нисбатан 0,1 процент оширилади ва иш ҳажмини жами кўпайтиришнинг камида 50 процентига меҳнат унумдорлигини ўстириш йўли билан эришилади.

Аҳолига хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш маданияти яхшиланади. ИЛ—86 аэробус самолётларида мунтазам пассажирлар ташиб туриш таъминланади. 9 та янги авиалиния очилади, 5 та авиалинияга ТУ—154 самолётлари хизмат қилиб турадиган бўлади. Нукус аэропортида ИЛ—62 самолётларини қабул қиладиган учиш-қўниш майдонини яхшилаш борасидаги қурилиш ишларига ёрдам кўрсатилади. Техника хизматидаги самолёт-мотор паркининг бекор туриши планга нисбатан камида 0,5 процент озайтирилади. Транспорт самолётларини жўнатиб туриш мунтазамлиги камида 85 процент бўлишига эришилади. Андижон, Бухоро, Нукус, Қарши ва Шаҳрисабз аэропортларида учишларни таъминлаб туриш учун янги ускуналар ишга солинади ва уларни ишлатиш ўзлаштирилади.

Йиллик иқтисодий самараси камида 600 минг сўмга борадиган кам деганда 650 рационализаторлик таклифлари жорий этилади. Янги техника бўйича йиллик иқтисодий самараси 150 минг сўмдан ошадиган камида 105 иш бажарилади.

Белгиланган нормага нисбатан 1500 тонна авиация ёқилғиси, 1 миллион киловатт-соат электр энергия тежалади.

Тошкент шаҳридаги маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг ҳиссадор қатнашувида 3600 квадрат метр уй-жой саҳни фойдаланишга топширилади. 150 янги ишчи тайёрланади, 1960 ходимнинг малакаси оширилади.

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Маҳсулот реализация қилиш давлат плани ва муқобил плани муддатидан илгари — 27 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 50 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари реализация қилинади. Асосий маҳсулотларни топшириш икки ойлик плани барвақт, КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача бажарилади.

Партия ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини юксалтириш борасида қўйган вазифани ҳал эта бориб, асосий технологик машина-ускуналар иш смена коэффициенти 1,52 га қадар ва программа билан бошқариладиган станокларда эса 1,72 га қадар орттирилади.

Янги техника бўйича иқтисодий самараси камида 2,3 миллион сўмга борадиган тадбирлар бажарилади.

Қўшимча равишда камида 500 деталга ишлов бериш программа билан бошқариладиган станокларга ўтказилади, бундай станокларда ишлов бериладиган деталларнинг жами сони 7200 тагача етказилади.

Ташкилий-техникавий тадбирларни жорий этиш ҳисобига асосий маҳсулотга сарфланадиган меҳнат ҳажми 11,7 процент камайтирилади. Сифатни бошқариш комплекс системасини яна ҳам такомиллаштира бориб, биринчи тақдимлаёқ топширилаётган маҳсулотлар 98,7 процентгача етказилади, кўплаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг жами номенклатураси завод Сифат белгиси бериш учун атестациядан ўтказилади.

Бирлашма коллективи йил мобайнида 444 тонна қора металл ва рангли металлни, камида 5,5 миллион киловатт-соат электр энергиясини, 655 тонна шартли ёқилғини тежаш мажбуриятини олади.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини жорий эта бориб, бирдашмадаги ишчиларнинг камида 70 проценти рағбатлантиришнинг мана шу илғор методига ўтказилади.

Коллективни социал ривожлантириш комплекс планини амалга ошира бориб, 6700 ходимнинг малакаси оширилади ва улар иккинчи касбларга ўргатилади, камида 2800 нафар янги ишчи тайёрланади, ишлаб чиқариш маданияти ва эстетикасини янада юксалтириш чоралари амалга оширилади. Камида 1600 оиланинг уй-жой шароитлари яхшиланади, Иссиқкўл «Олтин қумлар» пансионатида 200 кишига мўлжалланган иккита корпус фойдаланишга топширилади.

Кўклам, ёз ва кузги дала ишлари даврида қишлоқ меҳнаткашларига оталиқ ёрдами кўрсатилади.

БУТУНИТТИФОҚ «СОЮЗМАШХЛОПКОВОДСТВО» САНОАТ БИРЛАШМАСИ

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш йиллик плани 30 декабрда бажарилади. Ишлаб чиқариш ҳажми 1980 йилга нисбатан 3,5 процент оширилади. Меҳнат унумдорлиги белгиланган топшириқдан ташқари 0,4 процент ўсишига эришилади. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 82 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинади. Пландан ташқари 200 минг сўм фойда олинади.

Пландан ташқари 2,1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади, 50 та пахта терими машинаси, 100 та чигит сеялкаси, 120 та трактор, 2 та махсус станок тайёрланади.

ОВХ-28 маркали чанглагич-пуркагич машинасини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, 1981 йилнинг сентябригача камида 500 та шундай машина тайёрланади.

Янги техника ва технологияни жорий этиш давом эттирилади, шу жумладан: механик ишлов берадиган, штамплайдиган ва йиғадиган 14 автомат, ярим автомат ва механизациялашган поток линия, 97 автомат, агрегат станок ва маҳсус станок, программа билан бошқариладиган 10 та станок ва 8 та манипулятор жорий этилади. Бирлашма бўйича пластмасса ва полимер деталлар қўллаш ҳажми 1580 тоннагача, порошокли металлургия методи билан ясалган деталлар 350 тоннагача етказилади.

Механизациялаш ва автоматлаш ҳисобига кўл меҳнатининг салмоғи 3 процент камайтирилади, асосий ишлаб чиқаришдаги механизациялаш даражаси 85 процентгача, юк ортиш-туширишда, транспорт омбор ишларидаги механизациялаш даражаси 82 процентгача етказилади.

Ишлаб чиқариш умумий ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулот салмоғи 30 процентгача етказилади. 4 хил маҳсулот давлат Сифат белгиси бериш учун аттестация қилинади.

Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий этишдан 2 миллион сўм пул тежалади.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 10 процент кўпайтирилади, камида 4 хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формалари кенг жорий этилади, асосий ишлаб чиқаришда бундай форма даражаси 36 процентгача етказилади.

2700 тонна металл, 10,5 миллион киловатт-соат электр энергияси, 10.300 гигакалорий иссиқлик, 1900 тонна шартли ёқилғи тежалади.

Тошкент трактор заводида муддатидан илгари 1 декабргача 1 минг тонна иссиқ штамповка ишлаб чиқарувчи қувватлар, 1 кварталда «Технолог» бирлашмасида пахтачилик учун машиналар тайёрлаш билан шуғулланувчи давлат махсус конструкторлик бюросининг инженер-лаборатория корпуси ҳамда йирик ҳажмли ускуналар корпуси фойдаланишга топширилади.

390 нафар янги ишчи тайёрланади, 3450 ишчининг, 950 инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг малакаси оширилади.

Қишлоққа 27 минг сўмлик ҳажмда оталиқ ёрдами кўрсатилади.

КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача икки ойлик план ҳажмида чигит сеялкалари, гербицид молда соладиган мосламалар, ВП-8 маркали текислагич машиналар тайёрланиб қишлоқ хўжалигига жўнатилади.

«САЮЗУЗБЕКГАЗПРОМ» — ГАЗ САНОАТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ГАЗЛАШТИРИШ БУТУНИТТИФОҚ САНОАТ БИРЛАШМАСИ

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик плани 30 декабрда бажарилади ва пландан ташқари 540 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

(Охири тўртинчи бетда).

ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛИ:

УЛКАН МАРРАЛАР

(Бошы учинчи бетда).

Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 9,8 процент ўсиши таъминланади.

Планга қўшимча равишда 100 миллион кубометр табиий газ, 2 минг тонна конденсат, 150 тонна нефть қазиб чиқарилади.

Саноатда меҳнат унумдорлиги 3,1 процент, пармалаш ишларида 0,5 процент оширилади.

Чуқур пармаланадиган қудуқлардан 300 метри пландан ташқари қазилади.

Газ ҳайдовчи агрегатлар иши пухталигининг кўрсаткичи: газ турбиналари 660 соатгача, газ моторли компрессорларда 355 соатгача, электр билан ишлайдиган агрегатларда 862 соатгача етказилади.

Пландан ташқари 20 километр тақсимловчи газ шохобчалари ишга туширилди, 121 километрли Ховос — Фарғона магистрал газ қувури ва Калиф — Душанба магистрал газ қувурининг 35 километрли иккинчи тармоғи яхши сифат билан фойдаланишга топширилиши таъминланади. Планга қўшимча равишда 2 мингта квартира газлаштирилади.

Янги техниканы, илғор технологияни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш йўли билан 3,3 миллион сўмлик иқтисодий самара олинади. Компрессор станцияларини энг мақбул режимда ишлатиш, энергия ресурсларини оқилона сарфлаш ҳисобига 24 миллион киловатт соат электр энергия, 70 тонна қора металл, 330 тонна ёқилғи тежаб қолинади.

КПСС XXVI съезди шарафига пландан ташқари 36 миллион кубометр газ, 500 тонна конденсат, 50 тонна нефть қазиб чиқарилади, пландан ташқари 191 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади, 5 километр тақсимловчи газ шохобчаси пландан ташқари фойдаланишга топширилади, қўшимча равишда 500 та квартира газлаштирилади, 3 миллион киловатт соат электр энергия, 5 тонна қора металл, 30 тонна дизель ёнилғиси тежаб қолинади.

1,5 миллион сўмлик иқтисодий самара берадиган 900 та рационализаторлик таклифи киритилади ва 800 та шундай таклиф жорий этилади.

Янги ишчилар ўқитилади ва 3291 нафар инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади.

Корхоналар ишлаб турган жойларда колхоз ва совхозларга оталиқ ёрдами берилади.

«УЗТЕКСТИЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари, 29 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 450 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

Ишлаб чиқаришнинг пландаги 7,5 процент ўрнига 8,3 процент ўсишига эришилади. Белгиланган топшириқдан ташқари янги «ПК-100МЗ» маркадаги 10 та йигирув машинаси тайёрланади.

Янги техника ва илғор технологияни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш йўли билан меҳнат унумдорлиги 8,7 процент оширилади ва шу ҳисобдан ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсиши таъминланади. Қўл меҳнати салмоғи 1 процент камайтирилади.

Ишлаб чиқарилаётган 4 та машина олий сифат категорияси бўйича аттестациядан ўтказилади ва маҳсулотнинг умумий ҳажмида давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотнинг салмоғи 20 процентгача етказилади.

Янги техниканы жорий этишдан йилига камида 200 минг сўм ва 215 та рационализаторлик таклифини жорий этишдан 165 минг сўмлик иқтисодий самара олинади.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формалари билан қамраб олинган ишчиларнинг салмоғи жами ходимларнинг 35 процентига қадар етказилади. П-76-5М6 йигирув машинаси, РК-4 маркали пилла машинасини, КМ-90 маркали автомат пиллакашлик машинасини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Пластмассалардан, металл порошокларидан ясалган деталларни қўлланиш кенгайтирилади, шу йўл билан 25 тонна қора металл топшириқдан ташқари тежаб қолинади, 165 минг киловатт-соат электр энергия, 340 гигакалория иссиқлик, 105 тонна шартли ёқилғи тежалади.

320 нафар янги ишчи тайёрланади, 700 ишчининг ҳамда инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан 70 кишининг малакаси оширилади, 350 киши иқтисодий таълимга жалб этилади.

Қишлоқ коллективларига машина-ускуналарни ремонт қилишда оммавий дала ишлари вақтида материаллар ва асбоб-ускуналар, ишчи кучи билан оталиқ ёрдами кўрсатиш ишлари давом эттирилади.

КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача 4 участканинг, икки бригаданинг коллективлари ва илғор ишчилардан 550 кишн 1981 йилнинг биринчи кварталн планини бажарадилар.

«УЗХЛОПКОМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари, 29 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 400 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади.

Ишлаб чиқариш ҳажми 1980 йилга нисбатан пландаги 10,3 процент ўрнига 11 процент оширилади. Пиллик топшириққа қўшимча равишда 12 та валикли жин машинаси, КЛП-650 маркали 10 та кўчма лентали конвейер ҳамда пахта тозалаш машина-ускуналари учун 200 минг сўмлик запас қисмлар тайёрланади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, унинг техника даражасини ошириш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формаларини кенг жорий этиш асосида меҳнат унумдорлиги 11,5 процент ўсиши таъминланади ва ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсиши ана шу омил ҳисобидан олинади.

Маҳсулотнинг 11 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Тўртта буюмга давлат Сифат белгиси берилишига эришилади ва ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида шундай маҳсулотнинг салмоғи 15 процентгача етказилади.

Янги техникага оид 220 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган 35 та ташкилий-техникавий тадбирлар жорий этилади, пландан ташқари 100 минг сўм фойда олинади.

Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий этишдан йилига камида 130 минг сўмлик иқтисодий самара олинади.

160 минг киловатт-соат электр энергия, 80 тонна шартли ёқилғи, 1270 тонна қора ва рангли металлар тежаб қолинади.

Коллективни социал ривожлантириш комплекс планига мувофиқ 270 га яқин янги ишчи тайёрланади, 420 ишчининг ҳамда инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан 210 кишининг малакаси оширилади, 600 киши иқтисодий билим мактабларида ўқитилади. Пионер лагерининг биринчи навбати ва 140 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилади.

Сирдарё областининг оталиқдаги Ильич районн тайёрлов пунктларига ва пахта заводларига техникани ремонт қилишда зарур запас қисмлар, асбоблар ва бошқа материал-техника ресурслари билан таъминлашда оталиқ ёрдами кўрсатилади.

Мамлакатдаги илғор коллективларнинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача КВУ ва КП-8А конденсерлари ишлаб чиқариш икки ойлик плани ҳамда уч участка, уч бригада ва 220 нафар илғор ишчининг биринчи квартал планини бажариши таъминланади.

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Белгиланган номенклатура ва ассортиментда маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани 26 декабргача бажарилади ва пландан ташқари 1,1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш пландаги 3,5 процент ўрнига 5,3 процент кўпайтирилади. Пландан ташқари 720 та СФОА шкафлари, 290 та ШР шкафлари, 20 мингта АБ-25 автоматлари, 5,6 мингта ШОБ ёритиш шчитлари, 10 мингта Р-15 рубильниклари ва 25 минг сўмлик халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарилади.

Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 1,8 процент ўстирилишига эришилади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобидан олинади.

Янги техника, илғор технологияни ва ташкилий-техникавий тадбирларни жорий этиш ҳисобига 600 минг сўм миқдорида шартли-йиллик тежашга эришилади.

Филиалларни техника билан қайта қуроллантириш ва ривожлантириш планли равишда олиб борилди, бирлашманинг филиаллари 9,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

513,2 тонна қора металл, 62,4 тонна рангли металл, 520 минг киловатт-соат электр энергия, 80 тонна шартли ёқилғи тежаб қолинади.

Саккиз хил маҳсулот давлат Сифат белгиси беришга тақдим этилади ҳамда жами маҳсулот ҳажмида Сифат белгиси қўйилган маҳсулотнинг салмоғи 32,9 процентга етишига эришилади.

Коллективни социал ривожлантириш планларини амалга ошира бориб, 820 нафар янги ишчи тайёрланади, 900 нафар ишчининг ва 130 нафар инженер-техник ходим ҳамда хизматчининг малакаси оширилади, 1255 киши иқтисодий ўқишга жалб этилади.

Пилига шартли 616 минг сўм тежам берадиган 265 та рационализаторлик таклифи жорий этилади, механизациялаш ва автоматлаш ҳисобига қўл меҳнатининг салмоғи 1 процент камайтирилади, пландан ташқари 50 минг сўм фойда олинади.

Пахта ҳосилини теришда ва хашак тайёрлашда колхозга оталиқ ёрдами берилди.

КПСС XXVI съезди шарафига 1981 йилнинг икки ойи мобайнида пландан ташқари 200 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН «ЭЛЕКТРОТЕРМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Маҳсулотнинг энг муҳим турларини реализация қилиш ва ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан аввал, 27 декабрда бажарилади, пландан ташқари 700 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Меҳнат унумдорлигини пландаги 6,7 процент ўрнига 7,9 процент оширишга эришилади, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг ҳамласи меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланади.

Ишлаб чиқаришни пландаги 3 процент ўрнига 4,2 процент кўпайтириш таъминланади, пландан ташқари 10 минг сўм фойда олинади, топшириққа қўшимча равишда 500 та электр калорифер, 600 та бошқарув занжирлари трансформатори, 300 та пайвандлаш трансформатори, 300та электр калорифер қурилмаси ишлаб чиқарилади, 12 минг сўмлик халқ истеъмол моллари тайёрланади.

Белгиланган топшириқдан ташқари 47 тонна қора металл, 165 минг киловатт соат электр энергия, 7 тонна шартли ёқилғи тежаб қолинади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг техникавий даражаси, сифати, пишиқ-пухталиги ва чидамлилиги оширилади, давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулотнинг салмоғи 1980 йилдаги 62,5 процент ўрнига 74,7 процентга етказилади. Янги техникага доир 243 минг сўм иқтисодий самара берадиган 7 та тадбир жорий этилади.

Қўл меҳнатининг салмоғи 1 процент камайтирилади, маҳсулотнинг 3 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Рационализаторлик таклифларини жорий этиш йўли билан 200 минг сўм иқтисодий самара олинади.

Коллективни социал-иқтисодий ривожлантириш планини бажара бориб, камида 3650 квадрат метр уй-жой қурилади.

119 нафар янги ишчи тайёрланади, 890 нафар ходимнинг малакаси оширилади, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг малакаси мунтазам равишда ошириб борилади, 550 киши иқтисодий ўқишга жалб этилади.

Меҳнатнинг бригада формалари ва 23 та бригадада пировард натижаларга қараб ҳақ тўлаш жорий этилади.

КПСС XXVI съезди шарафига маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш икки ойлик плани 27 февралда бажарилади, пландан ташқари 125 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

«СРЕДАЗКАБЕЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани 30 декабрда, илмий тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик лойиҳалари тайёрлаш плани 25 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 700 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Йиллик планга қўшимча равишда СССР Темир йўллар министрлиги учун 50 тонна троллей сими, 30 километр сигнал-блокировка кабели, шунингдек 30 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади.

Меҳнат унумдорлиги юзасидан белгиланган план 0,3 процент ошириб бажарилади. Маҳсулот ҳажмини кўпайтиришнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади.

Кабель ишлаб чиқаришида 450 минг сўмлик рангли металл ва бошқа материаллар тежаб қолинади, 2,8 миллион киловатт-соат электр энергия, 2,5 минг гигакалорий иссиқлик иқтисод қилинади.

Давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулот миқдори 40 процентга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг умумий ҳажмида унинг салмоғини 1980 йилдаги 52,4 процентдан 54,2 процентга етказилади.

Янги техникага доир 3 миллион сўм иқтисодий самара берадиган 27 та тадбир жорий этилади. «СКЕТ» автомат линиясини монтаж қилиш тугалланади ва унда телефон кабели симларини тайёрлаш технологияси ўзлаштирилади, 12 та илғор янги технология машина-ускунаси ишга туширилади.

Халқ истеъмол қиладиган янги молларнинг икки турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнатининг улуши 1 процент камайтирилади. Камида 750 киши рационализаторлик ишига жалб этилади ҳамда рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий этиш йўли билан йилига камида 960 минг сўм самара олинади.

Енгил ва озиқ-овқат саноати қурилишлари ҳамда корхоналарига зарур маҳсулотлар комплекс равишда ва муддатидан илгари — йилнинг биринчи ярми учун 15 июнгача ва иккинчи ярми учун 15 декабргача етказиб берилди.

280 нафар янги ишчи тайёрланади, 750 нафар ишчи ҳамда 130 нафар инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, 600 киши иқтисодий ўқишга жалб этилади.

«НАВОИАЗОТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Асосий маҳсулотнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан аввал, 28 декабрда бажарилади, пландан ташқари 850 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади, планга қўшимча равишда 250 минг сўм фойда олинади. Суюқ синтетик аммиак давлат Сифат белгисига тақдим этилади.

Техника тадбирлари комплексини амалга ошириш, оптимал технология режимларини жорий этиш, капитал ремонт муддатини қисқартириш ҳисобига пландан ташқари 30 минг тонна минерал ўғит, 8 минг тонна аммиак ва 120 тонна нитрон толаси, шу жумладан КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача 500 тонна ўғит, 1300 тонна аммиак ва 1 августгача 20 минг тонна ўғит ишлаб чиқарилади.

20 миллион киловатт-соат электр энергия, 40 минг гигакалорий иссиқлик ва 600 минг сўмлик бошқа моддий ресурслар тежаб қолинади.

Янги техникага доир тадбирларни ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 3,6 миллион сўм йиллик шартли иқтисодий самара олинади. К—965—61—1 ҳаво компрессори монтаж қилинади, ҳаво парчалайдиган иккита блок капитал ремонтдан чиқарилади, 6ЧБК—355—1 газ компрессори модернизация қилинади, 1980 йилга нисбатан кормал технология режимидан чекиниш 10 процент камайтирилади.

4500 кишининг малакаси оширилади, шу жумладан 765 нафар янги ишчи тайёрланади, кадрларнинг қўнимсизлиги 1980 йилга нисбатан 11 процент камайтирилади.

«Коммунизм» колхозига сув таъминотини яхшилашда оталиқ ёрдами берилади ва пахта теримида 15 минг одам куни ишлаб берилади, 230 тонна пахта терилади.

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЧИРЧИҚ «ЭЛЕКТРОХИМПРОМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Маҳсулотнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш ҳажми ва ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган йиллик план 27 декабрда бажарилади, пландан ташқари 1,5 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Планга қўшимча равишда 40 минг тонна минерал ўғит, шу жумладан партия XXVI съезди очиладиган кунгача 6 минг тонна ва шу йил ҳосили учун 1 августгача 27 минг тонна минерал ўғит етказиб берилади.

Пландан ташқари 300 минг сўм фойда олинади. Юксак самарали ишлаб чиқаришларни, технология линияларини ўзлаштириш, бирлашмани реконструкция қилиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини 37,4 процент ўстиришга эришилади.

Капролактам комплексининг ишлаб чиқариш қувватлари норматив муддатга нисбатан 15 кун барвақт ўзлаштирилади.

Янги техникага ва илғор технологияга доир 27 та тадбир амалга оширилиб, йилига 500 минг сўм тежаб қолинадиган бўлади.

Ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнатининг салмоғи 1,5 процент камайтирилади, йилига камида 300 минг сўм иқтисодий самара берадиган 450 та рационализаторлик таклифи ва ихтиро жорий этилади.

Белгиланган нормаларга нисбатан 15 миллион киловатт-соат электр энергия ва 5 минг гигакалорий иссиқлик, 300 тонна шартли ёқилғи тежаб қолинади.

1855 кишининг малакаси оширилади ва уларга иккинчи касблар ўргатилади, 520 нафар янги ишчи тайёрланади.

Коллективни социал ривожлантириш планига мувофиқ 6500 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади.

«УЗБИТХИМПЛАСТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Маҳсулотнинг асосий турларини ишлаб чиқариш йиллик плани 28 декабргача бажарилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни 10,7 процент кўпайтириш таъминланади, пландан ташқари 500 тонна кир ювиш воситалари ишлаб чиқарилади, планга қўшимча равишда 820 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади ҳамда планга қўшимча равишда 65 минг сўм фойда олинади. Шу жумладан, КПСС XXVI съезди очилишигача пландан ташқари 140 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади ва қўшимча равишда 85 тонна синтетик кир ювиш воситалари ишлаб чиқарилади.

Меҳнат унумдорлигининг 5 процент оширилиши таъминланади, ишлаб турган корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. 14 та янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, маҳсулотнинг 5 та тури давлат Сифат белгисига тақдим этилади, ишлаб чиқаришнинг жами ҳажмида давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулотнинг салмоғи 14 процент кўпайтирилади.

Илмий-тадқиқот қисмининг тажриба базасида 1,2 миллион сўмлик янги маҳсулот ишлаб чиқарилади.

3 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда СССР Химия саноати министрлиги корхоналарига ёрдам берилади ва пластмассадан 50 хил янги маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 245 минг сўм йиллик иқтисодий самара олинади. Бирлашманинг илмий тадқиқот қисми лойиҳаларини жорий этиш йўли билан 1 миллион сўм иқтисодий самара олинади.

400 минг киловатт-соат электр энергия, 360 гигакалорий иссиқлик, 300 минг сўмлик турли хом ашё ва материаллар тежаб қолинади.

355 нафар янги ишчи тайёрланади, 580 кишининг малакаси оширилади, 110 кишига турдош касблар ўргатилади, 530 киши иқтисодий ўқишга жалб этилади.

Пахта ҳосилини теришда ва хашак тайёрлашда оталиқдаги колхоз ҳамда совхозларга ёрдам берилди.

* * *

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПССнинг бўлажак XXVI съездини муносиб кутиб олиш ва шу съезднинг тарихий қарорларини бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини кенг авж олдириб, бутун куч-ғайратларини маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш учун резервлардан тўла-тўкис фойдаланишга сарфлайдилар ва коммунистик қурилиш ишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга ваъда берадилар.

Икки нормадан

Бухоро трикотаж фабрикасида съездолди меҳнат вахтаси кундан-кунга авж олмоқда. Коллектив КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XX съездини катта меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга ҳаракат қилиб, топшириқларни тўла-тўкис адо этмоқда.

Фабриканинг илғор ишчиларидан Саодат Ғуломова ва Аҳмад Имоновлар съездолди мусобақасида пешқадамлик қилмоқдалар. Улар янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб кундалик топшириқни икки баравардан ошириб бажаришга эришмоқдалар. Чунки улар партия XXVI съездини тўрт ойлик топшириқни ҳар доим ошириб бажаришга эришмоқдалар.

аҳд қилишган. Меҳнатни пухта ташкил этиш туфайли ана шундай ютуқларни қўлга киритаётган трикотажчилар яна ҳам улкан марраларни эгаллашга бел боғлашган. Улар ҳар бир ишчи минутидан оқилона фойдаланмоқдалар ва бир қанча қўшимча касбларни эгаллаб олмоқдалар. Меҳнатдаги кўп йиллик тажриба, ишдаги юксак маҳорат бунга катта ёрдам бермоқда.

Корхонада Саодат Ғуломова ва Аҳмад Имоновларнинг издошлари жуда кўп. Коллективнинг юздан ортиқ ишчиси съездолди мусобақасига кўшилиб, кундалик топшириқни ҳар доим ошириб бажаришга эришмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Тошкент олий партия мактабида кўп йил самарали ишлаганлиги учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши экономикаси ва уни ташкил этиш кафедрасининг раҳбари доцент Иван Петрович Петровга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бадиий адабиёт соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан шоир, «Огонёк» журналининг ўз мухбири ўртоқ Вячеслав Афанасьевич Костирянн Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

«КОСМОС-1241» ПАРВОЗДА

1981 йил 21 январь куни Совет Иттифоқида ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1241» учирилди.

Йўлдош ичида космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация ҳисоблаш маркази олинаётган маълуотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

Оламда нима гап

ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ВАРШАВА, 20 январь. (ТАСС). Польша Бирлашган ишчи партияси, Бирлашган деҳқонлар партияси ва демократик партия мамлакатнинг барча ватанпарвар кучлари билан биргаликда ПХРнинг ижтимоий-сиёсий турмушини мустаҳкамлаш соҳасида катта иш қилмоқдалар, деди сейм маршали, Бирлашган деҳқонлар партияси бош комитетининг раиси С. Гуцва.

Бироқ, деди у ТАСС мухбири билан суҳбатда, мамлакатдаги вазият ҳамон мураккаблигича қолмоқда.

«Бирдамлик» касаба союзининг баъзи раҳбарлари, жумладан ишланмайдиган шанбалар тўғрисидаги масалани рўкач қилиб, ички сиёсий вазиятни чигаллаштирмоқдалар, маъмурларга таъсир ўтказиш ва мавжуд тузум тагига сув қуйиш мақсадида «оғоҳлантирувчи иш ташлашлар» ўтказмоқдалар ва бошқа ҳаракатлар қилмоқдалар. Улар ўзаро мақбул қарорларга келиш йўлини қидиришга интилмай, балки маъмурлар билан муҳолифлик йўлига кириши афзал кўрмоқдалар, «моддий бойликлар яратишда қатнашишдан, Польшанинг тақдири учун масъулиятни зиммага олишдан кўра, маъмурларга нисбатан талаблар қўйиш ва контроллик вазифаларини бажариш яхшироқ» деган принцип асосида иш кўрмоқдалар.

«Бирдамлик» касаба союзининг бир қанча раҳбарлари социализмга қарши бўлган «ижтимоий ўз-ўзини мудофаа комитети» деб аталган ташкилот таъсири остида турибдилар.

Кейинги вақтларда мазкур комитет «қишлоқ бирдамлиги» деб аталган ташкилотни тузиш ва рўйхатдан ўтказишга эришиш мақсадида ташвиқотчилик кампаниясини кучайтириб юборди, деб таъкидлади С. Гуцва. Бу ҳаракат илҳомчиларининг мақсади равшан: улар поляк деҳқонлари ҳаракатининг бирлигини парчалаб юборишга, ПБИПнинг Бирлашган деҳқонлар партияси билан биргаликда ўтказаётган қишлоқ хўжалик сиёсатига путур етказишга уринмоқдалар.

Иттифоқчи партияларнинг ҳозирги босқичдаги бош вазифаси социалистик демократияни ривожлантиришни гарантиялайдиган тегишли механизмларни вужудга келтиришдан, социалистик янгиланиш жараёнини конкрет мазмун билан тўлдиришдан иборат, деди сўзининг охирида С. Гуцва.

Р. РЕЙГАН—АҚШНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). 20 январда республикачи Рональд Рейган расмий равишда Америка Қўшма Штатлари президенти лавозимини бажаришга киришди.

АҚШда янги президентнинг мансабни эгаллаши «инаугурация» куни деб аталади. Шу кун конгресс биноси олдидаги маросим билан бошланди. Маросим вақтида олий суд раиси У. Бергер Р. Рейган билан вице-президент Ж. Бушнинг қасамёдини қабул қилди. Маросимда янги маъмурият аъзолари, Ж. Картер, конгресс иккала палатасининг аъзолари, сиёсий арбоблар, дипломатия корпусининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Р. Рейган қасамёд қилганидан кейин анъанавий нутқ сўзлади. Бу нутқ асосан Америка экономикаси олдида турган мураккаб проблемаларга бағишланди. «Қўшма Штатлар, — деди у, — катта миқёсдаги иқтисодий қийинчиликларга дуч келиб турибди. Биз бутун миллий тарихимизда пулнинг энг узоққа чўзилган ва энг ёмон қадрсизланишларидан бири жабрини тортяпмиз. Пулнинг мана шундай қадрсизланиши бизнинг экономика соҳасидаги ҳамма қарорларимизни йўққа чиқармоқда, ташаббусни бўғмоқда ва кучқувватга тўлиб тошган ёшларни ҳам, кексаларни ҳам даҳшатга солмоқда. Бу кулфат миллион-миллион кишиларнинг турмушига хавф солмоқда. Ишламай турган корхоналар ишчиларни кўчага улоқтириб, уларни ишсизликка, қашшоқликка ва шахснинг таҳқирланишига гирифтор қилмоқда. Ишлаб турган кишилар эса ўз меҳнати учун олиши мумкин бўлган улушдан маҳрум бўлмоқда».

Черчиллнинг мен Британия империяси тугатилиши пайтида раислик қилиш учун бош министр бўлганим йўқ, деган машҳур сўзларини бир мунча ўзгартириб, Р. Рейган мен ҳам Америка экономикасининг барбод бўлган вақтида раислик қилмоқчи эмасман, деб айтди. Президент қандай чоралар кўриши тафсилотларига берилмай, келгуси кунларда «Мен экономикага халақит бериб келган ва меҳнат унумдорлигини пасайтирган бир қанча тўсиқларни олиб ташлашни» таклиф қиламан, деган гапни айтди. Шу билан бирга у «тараққиёт секинлик билан боради» деб огоҳлантирди.

Р. Рейган ўз маъмуриятининг ташқи сиёсий программасига тўхталиб, «Тинчлик Америка халқининг энг эзгу орзуси», деб қайд этиш билан чекланди ва «Бизнинг бутун дунёдаги қудратимизни кўпайтириш» тинчликни таъминлашнинг энг яхши йўли бўлади, деб даъво қилди.

Оқ уй олдидаги расмий маросимдан кейин мамлакатнинг барча штатларидан келган делегациялар иштирокида анъанавий парад бўлиб ўтди. Газеталарнинг хабар қилишича, Р. Рейган, Ж. Буш, янги маъмурият аъзолари ўқ ўтмайдиган махсус ойна билан тўсилган минбарларда турдилар.

«Инаугурация» куни Америка жамоатчилигининг бир қанча намойишлари билан ҳам нишонланди. Бу намойишларнинг қатнашчилари қуролланиш пойгасига чек қўйишни, чет эллардаги реакцион режимларни қўллаб-қувватлашни тўхтатишни талаб қилдилар, ишчиларга ва социал адолатсизликка қарши норозилик билдирдилар.

АМЕРИКАЛИК ДИПЛОМАТЛАР ҚЎЙИБ ЮБОРИЛДИ

ТЕҲРОН, 20 январь. (ТАСС). Бугун бу ердан учиб кетган Жазоирнинг иккита самолётида АҚШнинг Эрондаги элчихонаси 52 ходими бор эди. Улар 1979 йил охирида жосусликда айбланиб, қамоққа олинган эдилар. АҚШ билан Эрон ўртасида Жазоир воситачилигида эришилган битимга мувофиқ улар қўйиб юборилди.

Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Эроннинг маъмурий ишлар билан шуғулланувчи давлат министри Б. Набавининг айтишича, бу битим аввало АҚШнинг Эрон ички ишларига бевосита ёки бавосита, сиёсий ёки ҳарбий йўл билан ҳар қандай аралашишдан воз кечиш мажбуриятини кўзда тутади. Шу муносабат билан Б. Набави ҳозирги вақтда ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий соҳада мана шундай аралашув давом этиб келаётганини уқтириб ўтди.

Битимнинг бошқа моддаларига келганда, улар АҚШда Ж. Картер қарорига мувофиқ ушлаб қолинган Эрон маблағларини унга топшириш тартибини кўзда тутади. Шу маблағнинг бир қисмини АҚШнинг федерал резерв системаси инглиз банкига ўтказди, бу — Америка дипломатларини бўшатиб юбориш учун қўйилган дастлабки шарт эди. Б. Набавининг айтишича, бу маблағдан Эрон олган заёмлар ва қарзларга доир тўловлар чегириб қолингандан кейин қолган пул Эронга ўтказилади.

Эрон министрининг гапларидан маълум бўлишича, Эрон маблағининг фақат бир қисмигина қайтариб берилади ва АҚШ шу маблағни қайтариб бериш жараёнини пайсалга солиш мақсадида турли-туман найранглар ишлатмоқда, шунингдек, мазкур маблағ миқдорини белгилашда чигалликлар келтириб чиқармоқда. Маълумки, Эрон АҚШдан 24 миллиард доллар пул даъво қилган эди.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Р. 01747. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1528.